VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

44 (416) ● 2016 йил 19 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Фракция ҳаёти

Янги қонун лойиҳалари

муҳокама этилди

18 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, бир қатор вазирлик ва ташкилотларнинг масъул ходимлари, экспертлар ва журналистлар иштирок этди.

Мажлисни фракция раҳбари С.Отамуратов бошқарди. Депутатлар дастлаб "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Йиғилишда таъкидланганидек, юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туб моҳиятида ҳуқуқий демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини таъминлаш каби эзгу мақсадлар мужассам. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси асосида Олий Мажлис қонунчилик палатасига киритилган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият институтларининг самарали ҳамда барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, бундай ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш, уларнинг оқибатлари, коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоиз, истиқлол йилларида мазкур йўналишда бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги, "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида", "Электрон ҳукумат тўғрисида", "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонунлар, янги таҳрирдаги Бюджет ва Божхона кодекслари ана шулар жумласидандир. 2010 йилда Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истамбул ҳаракат дастурига қўшилди. "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси эса бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, самарадорлигини оширишга қаратилган.

> 4-бет.

Миллий ғурур

Қудратли юрт фарзандлари

Бугун мамлакатимизда хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча имконият мавжуд. Бу, ўз навбатида, жисмонан соғлом, маънан етук фарзандларни тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг 47 фоизи, қишлоқда эса 44,7 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2005 йилда 24 фоизни, жумладан, қишлоқда 22 фоизни ташкил этган, холос. Хотин-қизларимиз соғлом бўлса, у қурадиган оила мустаҳкам, унинг меваси бўлмиш фарзанд ҳам соғлом ва бахтли бўлади. Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият бахтли ва фаровон бўлади.

Куни кеча пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида дзюдо бўйича ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнирда терма жамоамиз аъзолари 6 олтин, 3 кумуш ва 11 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга сазовор бўлди.

> 5-бет.

Съезд

ЎзМТДПнинг V Съездида Президентликка номзод тасдиқланди ва унинг сайловолди Дастури маъқулланди

2016 йил 15 октябрь куни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг навбатдаги Съезди бўлиб ўтди. Унда партия Уставига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари конференцияларида сайланган делегатлар, партия Марказий кенгаши, Марказий назорат-тафтиш комиссияси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, сенаторлар, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Съездда шу йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни тасдиқлаш масаласи муҳокама этилди.

Съездда партия Марказий кенгаши раиси, Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов, партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев маъруза қилиб, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими шаклланган, ҳар бир сиёсий партиянинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи юксалиб, мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам жамият тараққиёти билан муштарак ривожланди, ўз позицияси, дастурий мақсад-вазифалари билан аҳоли орасига кириб борди.

Амалдаги сайлов қонунчилигига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Уставида ҳам партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши белгиланган.

> 3-бет.

Миллий манфаатлар ва миллий қадриятларимиз ҳимояси — бош вазифамиз

ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Саъдуллаевич Отамуратовнинг Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси V Съездидаги маърузаси

Ассалому алайкум, ҳурматли делегатлар!

Партиямизнинг бугунги Съезди мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси қизғин босқичга кирган бир пайтда ўтмоқда. Ушбу сайлов Ватанимиз мустаҳкам ва барқарор сиёсий тизимга, жаҳон андозаларига жавоб берадиган демократик сайлов қонунчилигига эга эканлигини яна бир бор намойиш этиши шак-шубҳасиздир.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилди. Халқимиз қалби, онг-тафаккурида фуқаролик ҳисси ва масъулияти, юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси кучайиб бормоқда. Фуқаролик жамияти институтлари таъсири ошиб, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари жамият ва давлат қурилиши жараёнида фаол иштирок этишлари учун қулай ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа зарур шароитлар барпо этилди.

Халқаро миқёсда эътироф этилиб, бугунги тараққиётимизнинг ҳаётий дастурига айланган беш тамойил асосида ислоҳотлар бардавомлигини таъминлаш, бошланган улуғвор ишларга жўшқин суръат бахш этиш учун мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизга эришишда тўпланган тажрибалар, улкан тарихий, маданий, бой маънавий-ахлоқий қадриятлар ва анъаналар асосида жамиятда юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш ҳамда маънавий юксалишга эришиш зарурлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг **мақсади — миллий тикланишдан миллий юксалишга эришиш** ғоясини амалга ошириш, ички сиёсатда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши, халқимизнинг фаровонлиги ошиши, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва илгари суриш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитишдан иборат.

Ана шундай эзгу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этишни сайловолди Дастурга киритмоқдамиз.

Жамоатчилик ва партиямиз электоратига яхши маълумки, партиямиз **маънавий-маърифий соҳа**ни ўзининг дастурий мақсад-вазифалари ичида етакчи ўринга қўйган. Чунки, ўзлигини англаган, қадрият ва анъаналарини эъзозлаган, тарихий хотирасини асраган халқ иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар тараққиётга юз тутади.

Мамлакатимизда бу соҳада эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз доимо миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берганмиз ва бундан буён ҳам ушбу ҳаётий масалалар диққат-марказимизда бўлади. **Миллий тикланиш, авваламбор, миллий ўзликни англаш демакдир.** Ушбу ғоядан келиб чиқиб, биз қуйидагиларни қўллаб-қувватлаймиз.

Халқимизнинг бетакрор ва улуғвор тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитиш, унинг ютуқларини навқирон ва баркамол авлод орасида кенг тарғиб қилиш тарафдоримиз. **Миллий манфаатлар ва миллий қадриятларимиз ҳимояси — бизнинг бош вазифамиздир.**

"Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ" тамойили асосида халқимиз тарихини холис ва тизимли ўрганиш, бу борада ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунини баҳолашда бирёқлама ёндашувларга, нохолисликка йўл қўймаслик, Ўзбекистон тарихининг бузиб, сохталаштириб талқин этилишига қарши курашамиз.

Ўзбекистонда умумжаҳон аҳамиятига молик бўлган жуда кўплаб тарихий-маданий ва архитектура ёдгорликлари мавжуд. Музейлар, архивлар ва кутубхоналарда жуда қимматли қўлёзмалар, экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатлари сақланмоқда. Бундай улуғвор тарихий меросни асраб-авайлаш ва ҳисобга олиш бўйича муайян ишлар қилинган бўлса-да, ўрганишлар шуни кўрсатдики, ҳали бир қатор маданий мерос объектларимиз ҳисобга олинмаган, экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатлари тўлиқ тоифалаштирилмаган.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда маданий мерос объектларини тўлиқ хатловдан ўтказиш, ҳисобга олиш ишларини такомиллаштириш талаб этилади, музейлар, архивлар, кутубхоналар ва бошқа жойларда сақланаётган, маданий мерос объекти белгиларига эга бўлган экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатларини тўлиқ тоифалаштириш, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш зарур.

Ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси ва маданий ёдгорликлари умумжаҳон аҳамиятига молик эканлигини эътироф этиб, шаҳарларимизнинг миллий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш, қайта таъмирлашга кўмаклашиш ва бугунги кунгача ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига кирмаган осори-атиқаларни унга киритишда фаоллик кўрсатиш — асосий вазифамиздир.

Бу ва соҳадаги бошқа масалаларни ҳал этиш учун Моддий маданият меросини қайта тиклаш ва капитал таъмирлаш жамғармасини ташкил этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, асрлар давомида буюк алломаларимиз томонидан яратилган бебаҳо маънавий дурдоналар тарих тақозоси билан чет мамлакатларда қолиб кетган ёки олиб чиқиб кетилган. Биз мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда хорижий мамлакатлар кутубхона, архив ва музейларида сақланаётган ўзбек алломалари, мутафаккирлари ва ёзувчи-шоирлари томонидан яратилган илмий ва бадиий асарлар ҳамда халқимиз тарихига оид моддий бойликларни Ўзбекистонга қайтаришда фаоллик кўрсатамиз.

Юртимизда азалдан ҳунармандчиликнинг барча турлари ривож топган. "Устоз-шогирд" анъанаси асосида давом этиб келаётган ва ўзбек халқининг юксак маданияти ва истеъдодини намойиш этадиган ҳамда бадиий-эстетик қимматга эга бўлган миллий ҳунармандчилик турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, миллий бадиий мактабларнинг анъаналарини сақлаб қолишни рағбатлантириш доимий диққат марказимизда бўлади.

"Баркамол авлод — миллат таянчи" тамойили остида биз ёшлар онгини халқимизга ёт бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида уларнинг қалби ва онгига миллий тикланиш ғоясини сингдириш, миллий маънавият ва қадриятлар руҳида тарбиялашни янада кучайтиришимиз лозим. Бунда кино, театр ва эстрада санъатида халқимизнинг бой ва бетакрор тарихи, маданияти, анъаналари ҳамда илғор урф-одатларини таъсирчан бадиий образлар орқали ифода этадиган асарларнинг дунёга келишига кўмаклашиш ҳамда уларни тарғиб қилиш асосий вазифамиздир.

Тил миллатнинг энг олий қадриятидир. Шундан келиб чиқиб, қадимий ва бой тарихга эга бўлган, мустақиллик туфайли қадр-қиммати тикланган, ҳозирда кечаётган глобаллашув даврида замонавий тараққиётнинг барча соҳалари талабларига жавоб берадиган даражада имкониятга эга бўлган тилимиз ривожини янги босқичга кўтариш учун давлат тилини бойитиш, янада такомиллаштиришга, давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш ва унинг тўла амал қилишига эришиш, тил маданиятини янада юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқишни етакчи вазифалардан бири сифатида кўрмоқдамиз.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни ўринли деб биламан. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда, яъни 1993 йилда "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган эди. Орадан 23 йил ўтган бўлса-да, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ҳаётимизда узил-кесил ўз ўрнини топгани йўқ. Ушбу масалада саволлар ниҳоятда кўп. Биз фарзандларимизни лотин алифбоси асосида ўқитдик ва ўқитиб келаяпмиз. Лекин, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маърифий ва маънавий эҳтиёжларини зарур даражада қондириш учун фаннинг барча соҳалари, таълим, адабиёт ва матбуотда лотин ёзувига асосланган ўзбек тилида китоблар, газета ва журналлар етарли даражада нашр қилиняптими?

> 2-бет.

MILLIY TIKLANISH
44 (416) 2016 йил 19 октябрь, чоршанба

Миллий манфаатлар ва миллий қадриятларимиз ҳимояси — бош вазифамиз

ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Саъдуллаевич Отамуратовнинг Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси V Съездидаги маърузаси

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Катта авлоднинг кўпгина қисми эса лотин алифбосини ўзлаштирмаган. Бу масалада авлодлар ўртасида қандайдир узилиш сезилмоқда. Мазкур муаммони биз жамоатчилигимиз билан бирга узил-кесил ҳал қилишимиз керак.

Ижтимоий ҳаётимизнинг кўпгина соҳаларида давлат тилининг қўлланилиши ва унинг қоидаларига риоя этилишида ҳали-ҳамон камчиликлар учраб турибди. Хусусан, оммавий муомалада, кўчаларда жойлаштирилган ташқи ёзувларда, реклама ва эълонларда, оммавий ахборот воситаларида ҳали-ҳамон ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари қўпол бузилмоқда. Ушбу муаммо газета ва журналларда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари томонидан ҳар бир туман ва шаҳарда муҳокама қилинган бўлса-да, лекин сезиларли ўзгаришлар бўлгани йўқ.

Фундаментал фанлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш ва шу каби ўта муҳим тармоқларда ўзбек тили ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллашига эришиш, шу мақсадда замонавий дарсликлар, этимологик ва қиёсий луғатлар яратиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ҳамда категорияларни ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдидаги долзарб вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли делегатлар!

Шу ўринда, эътиборингизни яна бир муаммога қаратмоқчиман. Ўзбекистон заминида яшаб ижод этган ва жаҳон тамаддуни тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, буюк давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган миллий кино асарлари деярли мавжуд эмас.

Одамлар таъсирчан бадиий образлар орқали ифода этилган ва ўзбек халқининг ҳаққоний тарихи акс этган кино асарларини интиқлик билан кутмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистон телевидениесида намойиш этилаётган бадиий ва видеофильмларнинг аксарияти хорижий давлатлар тарихи, ҳарбий ва сиёсий арболари ҳамда олимлари ҳақидадир.

Бугунги кунда қатор хорижий давлатлар ўзларининг миллий қаҳрамонлари ҳақида, уларнинг гарчи замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва роли буюк бўлмаса-да, етук хорижий киностудиялар билан ҳамкорликда кино асарлар тайёрлаб, уларни дунё оммасига таништирмоқдалар. Бундай тажриба миллий ғурур ва ифтихорни ошириб, миллатни бирлаштирадиган кучли тарғибот усули ҳисобланади.

Биз Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини халқаро майдонда кенг миқёсда тарғиб этиш, ҳозирги Ўзбекистон заминида яшаб ижод этган ва жаҳон тамаддуни тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, буюк давлат арболари, ҳарбий саркардалар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кино асарлар яратилишида ташаббус кўрсатишимиз керак. Бу ишларни молиялаштириш, шу жумладан, хорижий киностудиялар билан ҳамкорликда, таниқли режиссёр ва актёрлар иштирокида, уни бутун дунё жамоатчилигига етказишни муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Эътиборингизни кечиктириб бўлмайдиган яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман. Тарихда хорижий мамлакатларда яшаб ижод этган ҳамда юртимизда таваллуд топган бўлса-да, тақдир тақозоси билан чет элларда вафот этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг қабрларини аниқлаш, уларнинг мангу қўним топган масканларини ободонлаштириш ишларини давлат миқёсида амалга ошириш вақти келди.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг мамлакатимиз тараққиёти ва ёш авлодимизнинг дунёқарашини шакллантиришдаги ўта муҳим ўрни ва имкониятларидан самарали фойдаланишимиз лозим. Унинг ёшларни ватанпарварлик, миллатпарварлик ва умуминсонийлик руҳида тарбиялаш ҳамда миллий манфаатларимизга зид бўлган ғоя ва мафкураларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришдаги аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда бу йўналишда тайёрланадиган фундаментал асарларни босмадан чиқаришни ва уларнинг оммавийлашувини қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар белгилаймиз.

Жамият, оила ва таълим тизимида ёш авлодни китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар берилишига эришмоғимиз лозим.

Театр инсоннинг маънавий камолоти, шахснинг диди ва тафаккурини тарбиялашда ҳамиша муҳим ўрин тутган. XX аср бошида ўзбек зиёлилари халқни миллий уйғотишни айнан театрлар ташкил этишдан бошлаганликлари ҳам бежиз эмас. Ўша даврда “Театр — ибратхонадир” деган чуқур маъноли ҳикмат орқали саҳна санъати миллатимизнинг аслида киму, айни ўша пайтда қай аҳволдалигини кўрсатиб берган.

Бугунги глобаллашув шароитида халқнинг ўзига хос қиёфаси, миллий қадрият ва анъаналарини асраб қолиш, одамларда юксак маънавий онг ва дидни тарбиялашда яна театрлар беқиёс аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бироқ, театр санъатига қизиқиш ҳавас қиларли даражада эмас. Театр заллари кўпинча томошабинлар билан тўлиб-тўлмаган аҳволда бўлади.

Биз маънавий-маърифий ҳаётимизни янада ривожлантириш тарафдори эканмиз, театрга одамларни қайтариш учун, энг аввало, замондошларимизни ўйлантираётган ва тўлқинлантираётган мавзуларда бадиий жиҳатдан юксак, маҳорат билан саҳналаштирилган спектакларни кўпайтириш, одамларда, айниқса, ёшларда театр томошаси маданиятини ўстириш, энг муҳими, мамлакатимизнинг барча театрларида “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилишига эришишимиз ҳам фарз, ҳам қарз.

Маълумки, давлат ва жамият ҳаётида **ижтимоий-сиёсий** масалалар муҳим ўрин тутади. Шу боис биз бу борада мавжуд давлат ва сиёсий тизимни янада мустаҳкамлаш, миллий ғоя, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асослари устуворлигини таъминлашни асосий вазифаларимиздан бири сифатида белгиламоқдамиз. Бизнинг бош мақсадимиз — замонавий ривожланган демократик давлат қуришдир.

Жамиятда ҳукм сураётган ва халқимизга хос бағрикенглик, миллати, дини, ижтимоий ҳолати ва келиб чиқишидан қатъий назар Ўзбекистон халқи, барча фуқароларнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашни истиқлол йилларида вужудга келган қадриятларимиздан бири сифатида эътироф этамиз ва уни барқарор янада ривожлантирамиз.

Шу билан бирга, асрлар давомида ўзбек халқининг эзгу ва илғор анъаналари асосида тарихан қарор топган маҳаллани миллий демократик институт сифатида янада такомиллаштириш керак. Унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларини ҳал этишда ҳамда миллий ва маънавий қадриятлар, маҳаллий урф-одат ва анъаналарни қайта тиклаш ҳамда бойитишдаги бевосита иштирокини таъминлаш, ролини кучайтиришни давом эттирамиз.

Барчамиз яхши биламиз, истиқлол йилларида **суд-ҳуқуқ соҳасини** тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш йўналишидаги устувор вазифалар қуйидагилардан иборат:

— жамиятда мустаҳкам барқарорлик ва қонун устуворлигини таъминлашда аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис мамлакатда ҳуқуқий таълим тизимини янада такомиллаштириш, Конституция, инсон ҳуқуқлари ва демократия асосларини узлуксиз ўрганиш тизимини ривожлантиришга қаратилган тизимли ва изчил чораларни кўриш;

— миллий қадрият ва халқимизга хос фазилат ҳамда анъаналардан келиб чиқиб оила, мерос, уй-жой даъвоси ва маиший турмуш манбаида туғиладиган низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан, ҳар қандай низони тинч йўл билан ҳал этишга интилиш ва муроса йўлини излаш фуқароларимиз манфаатларига мос келади. Шунингдек, юқоридаги масалаларда ва фуқароларнинг серташвиш суд мажлисларига хоҳиш-истагининг йўқлигини инобатга олиб, бу борада маҳалла, васийлик ва ҳомийлик органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини кучайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли делегатлар!

Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг ошишида иқтисодиёт ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини барчамиз яхши тушунамиз. **Иқтисодиёт соҳаси** партиямиз **“Халқнинг маънавий-руҳий тикланиши — иқтисодий ислоҳотларнинг негизидир”,** деган шиорни илгари сурмоқда. Ушбу соҳада эса қуйидаги вазифаларни амалга оширамиз.

Иқтисодиётга XXI аср талаблари ва тафаккури асосида ёндошувни амалга ошириб, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатимизнинг турли минтақаларида фаолият юритиб, истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловларда имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий саноат самарадорлигини янада оширишнинг ҳуқуқий асосларини изчиллик билан такомилаштиришга эришишни мақсад қилдик.

Дунё бозорида рақобатбардош ҳамда миллий иқтисодиётимиз тимсолига айланадиган трансмиллий компанияларни шакллантириш, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” тамғаси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш ва хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқараётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш, жумладан, улар учун солиқ миқдорини камайтириш, божхона имтиёз ва преференциялари, имтиёзли субсидиялар ва бошқа шакллардаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилишига эришишимиз керак.

Шу ўринда яна битта муҳим масалага тўхталмоқчиман. Кўпчилик яхши билади, Ўзбекистон нафақат тўғридан-тўғри дунё денгизларига чиқа олмайди, балки тўғридан-тўғри денгизга чиқадиган давлат билан ҳам чегарадош эмас. Дунёда ана шундай мураккаб географик ўринда жойлашган икки мамлакатдан бири Ўзбекистондир. Яна бир нарсани яхши биламизки, дунёда энг арзон йўл — бу денгиз йўлидир.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда транспорт хизматларининг нархи сезиларли даражада юқори. Тадқиқотларга қараганда бугунги кунда 20 тонна маҳсулотни 500 километр масофага автомобилда ташиш таннархи Ўзбекистонда 1 километр учун 1,75 долларни ташкил этмоқда. Таққослаш учун: қўшни давлатларда бу кўрсаткич 0,7 доллардан 1,3 долларгача.

Юқорида айтиб ўтилган масалалар билан бир қаторда логистика инфратузилмасининг суст ривожлангани, миллий маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқишда талаб этиладиган ҳужжатларнинг кўплиги, уларни кўриб чиқиш муддатларининг узоқлиги ва қимматлиги муаммоси ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга тўсқинлик қилмоқда ва ташқи бозорда маҳсулотларимизнинг таннархи сунъий ошишига олиб келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, биз транспорт-экспедиторлик фаолияти билан шуғулланувчи компанияларга имтиёзлар бериш, йирик юк ташувчи автомобилларни лизингга бериш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, божхона хизматлари нархини камайтириш ва чегарадан ўтиш тартибини соддалаштириш юзасидан иш олиб борамиз.

Миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан муҳофаза этиш, қулай ва жозибадор сармоя муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтиришни долзарб вазифамиз, деб биламиз.

Биз халқимизни, айниқса, ёшларнинг бевосита Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий ва сифатли кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш, енгил ва ихчам тўқимачилик корхоналарининг сонини кўпайтириш, уларга маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлайдиган замонавий технологияларни жорий қилишни қўллаб-қувватлаймиз.

Давлат компаниялари ва давлат улуши устунлик қиладиган корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти шаффофлигини таъминлаш орқали уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш, ички хусусий инвестицияларни миллий иқтисодиётга йўналтиришни янада кенгайтириш-замон талабига айланмоқда.

Соҳадаги яна бир муҳим масала — миллий иқтисодиёт ривожи етук мутахассис-кадрларга боғлиқ эканлигини яхши англаган ҳолда, замонавий билим ва малакага эга инженер-техник, молия-иқтисод, корпоратив бошқарув менежментлари, ахборот технологиялари соҳасида дастурчиларни тайёрлашни тубдан кучайтириш ва мазкур соҳаларда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ниҳоятда зарур.

Бугун бутун дунёда одамларни ўйлантираётган ва қизиқтираётган масалалар ичида ижтимоий масалалар алоҳида ўрин тутади. Шу боис биз аҳоли турмуш сифати, даражаси ва фаровонлигини оширишни **ижтимоий соҳа**дагини стратегик мақсадимиз сифатида белгиладик. Шундан келиб чиққан ҳолда, асосий вазифаларимиз қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз.

Ҳаммамизга аёнки, бугун жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Мадомики шундай экан, аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бунда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш, шу билан бирга, аҳолининг овқатланиш маданиятини юксалтириш энг асосий вазифаларимиз сирасига киради.

Миллат генофондини асраш ва соғлом авлодни вояга етказиш мақсадида ўсмирларга соғлиқ учун зарарли бўлган қувват берувчи ичимликларни сотишни тақиқлаш ва бу борада маърифий-тушунтириш ишларини тизимли йўлга қўйиш лозим. “Халқи соғлом ва баркамол бўлган мамлакат кучлидир!” тамойилини амалда изчиллик билан ривожлантириш зарур.

Қурилиш ва безак ишларида миллий меъморлик анъаналарини ва илғор хорижий тажрибани қўллаш, тарихий шаҳарлар ва очиқ осмон остидаги музейларни қайта таъмирлашга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга ошириш сиёсатининг изчил давом этишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Оила ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш бўйича кенг кўламли ишларни тизимли давом эттириш мақсадида қонунчилигимизни янада такомиллаштирамиз. Зеро, **буюк аждодларга баркамол авлод муносиб!**

Эътиборларингизни ҳаётимизда тез-тез учраб турадиган ва барчамизга яхши таниш бўлган бир муаммога қаратмоқчиман, янада очиқроқ айтганда, бу масала кўпроқ шаҳар аҳолиси турмушига дахлдордир. Кўп қаватли уйларда, уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш норма ва қоидалари бузилиш ҳолатлари одатий тус олмоқда. Одамларнинг моддий фаровонлиги ошгани сайин ўзлари яшаб турган уй-жойни замонавий андозалар асосида таъмирлаш, кенгайтириш оммавий тус олаётир. Бунда кўп ҳолларда хавфсизлик масаласи эътибордан соқит қилинади. Уйни ушлаб турган устунларни бузиб бўлса-да хонадонини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Кўп қаватли уйда ўзидан ҳам бошқа одамлар яшаши, бу уй унинг хусусий мулки эмаслиги хаёлига ҳам келмайди.

Бундай муаммо келиб чиқишининг бош сабаби уй-жой соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш тартиби ва аниқ механизми бугунги кун талабларига жавоб бермаслигидадир.

Мазкур муаммони ҳал қилиш учун республикамизнинг барча бурчакларида, айниқса, кўп қаватли уйларда, уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш норма ва қоидалари бузилишининг олдини олиш, шаҳларимизнинг архитектура қиёфасини янада яхшилаш мақсадида уй-жой соҳасидаги қонунчиликнинг бажарилиши устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Маҳалланинг фуқаролар, ўғил-қизлар ва ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, жойларда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш зарур.

Яна бир масала. Болалар, аёллар, шунингдек, оғир касалликлар, шу жумладан, одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган хасталиклар (ОИВ/ОИТС)дан азият чекувчи шахсларга самарали ёрдам кўрсатишни изчил давом эттириш биз учун муҳим вазифадир. Шу билан бирга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш керак, деб ҳисоблаймиз.

XXI аср — ахборот асри. Шуни ҳисобга олган ҳолда **ахборот соҳаси**да миллий манфаатларимиз ва халқимиз маданияти ва маънавиятнинг ўзига хослигини сақлашни таъминлашга қаратилган миллий ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш ўта муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Мазкур вазифани амалга ошириш учун қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш долзарб аҳамиятга эга.

Миллий ахборот тизимлари ва миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этишни бугуннинг энг долзарб вазифаси, деб ҳисоблаймиз. Ривожланган миллий ахборот макони — мустаҳкам тараққиёт пойдевори эканлигини ҳисобга олиб, унинг изчиллик билан такомиллашувига эришиш лозим.

Ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини, самарали ахборот-таълим маконини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилишга барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз. Бундан ташқари, ижтимоий онгда миллий ғоя шаклланиши ва ривожланиши жараёнларини ахборот жиҳатдан таъминлашни янада кучайтириш олдимизда турган долзарб вазифадир.

Муҳтарам партиядошлар!

Яқинда олимпиадачиларимиз ва паралимпиадачиларимиз эришган оламшумул ғалабалар бутун халқимиз ва миллатимизнинг ғурурини осмон қадар кўтариб, фуқароларимиз қалбида чексиз фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди. Дарҳақиқат, **“Дунёда ҳеч бир нарса мамлакатни, миллатни спортчалик дунёга тез танитмайди, машҳур қила олмайди”** тамойили асосида спортнинг барча турлари, айниқса, Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган ҳамда миллий турларини ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш асосий вазифаларимиздандир.

Бунда, энг аввало, ўзбек спортчиларининг жаҳон миқёсида эришаётган оламшумул ютуқлари халқ ва миллат ғурурининг ўсишига хизмат қилиши, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда одамларни ягона мақсад сари бирлаштирувчи хусусиятини тизимли равишда кенг тарғиб қилиш ҳамда Ватанимиз ифтихори бўлган спортчилар ҳаёт йўли ҳақида тарбиявий аҳамиятга эга ҳужжатли ва бадиий фильмлар, илмий-оммабоп асарлар яратишни янада кучайтиришимиз керак.

“Фарзандлари соғлом ва баркамол юрт қудратли бўлур” шиори остида мамлакатимизда кенг қулоч ёйган ва умуммиллий вазифага айланган болалар спортини ривожлантириш ишига ҳар томонлама кўмаклашиш даркор.

Биз миллий қадриятларимиз, матонат, жасорат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик асосларини ўзида ёрқин мужассам этган ва бугун дунёнинг 130 га яқин мамлакатида кураш федерациялари ташкил этилганлигини ҳисобга олиб, ўзбек курашини Олимпиада ўйинлари қаторига киритиш мақсадида Халқаро Кураш федерацияси, Халқаро ва Миллий олимпия қўмитаси билан алоқани ҳар тарафлама мустаҳкамлашни бу борадаги энг асосий вазифамиз, деб биламиз. Биз ўзбек курашининг Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олиши учун бор куч ва имкониятимизни сафарбар этиб, бу улуғвор мақсад учун охиригача курашамиз.

Дастурнинг пировардида ташқи сиёсат борасидаги вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман. **Ташқи сиёсат соҳаси**да биз Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсати ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслигини қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон Республикаси фаол ташқи сиёсатининг асосий мақсад ва вазифаларини бугунги мураккаб шароитда, минтақада хавфсизликка ва барқарорликка таҳдидлар сақланиб қолаётган бир вазиятда амалга оширмоқда, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси, унинг маънавий-ахлоқий анъаналари ва қадриятлари, жаҳон маданиятига қўшган беқиёс ҳиссаси республиканинг замонавий халқаро муносабатларда, фаол ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятда тенг ҳуқуқли субъектга айланишининг асосий ва муҳим воситаси бўлди.

Ташқи сиёсат ва давлат бошқарувининг бошқа органлари фаолияти доирасида миллий манфаатларнинг қатъий ҳимоя қилиниши таъминланишига эришишимиз шарт. Бизнинг шиоримиз — **миллий манфаатлар ҳар нарсадан устун!**

Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини кенг миқёсда тарғиб этиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини ҳар томонлама мустаҳкамлаб боришимиз зарур.

Фуқароларимиз ва юридик шахсларнинг хорижий давлатларда ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш муҳим вазифамизга айланмоғи керак.

Инсоният тамаддунининг қадимги трансчегаравий йўналиши бўлган Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи, иқтисодий, сиёсий ва маданий-инсонпарварлик соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини институционал мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим ўрин тутадиган Буюк ипак йўлини қайта тиклаш, кучли “Буюк ипак йўли” брендини илгари сурамиз.

Азиз дўстлар!

Бизнинг асосий ғоямиз — Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш орқали иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари, халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимизни бундан буён ҳам гуллаб-яшнашига бор куч-қудратимизни бағишлаш орқали жонажон Ўзбекистонимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилишдир.

Биз учун ягона ва устувор мақсад — бу Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Съезд

ЎзМТДПнинг V Съездида Президентликка номзод тасдиқланди ва унинг сайловолди Дастури маъқулланди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Шунга асосан яқинда бўлиб ўтган ЎзМТДП Марказий кенгашининг VII Пленумида партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Унга асосан "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга мувофиқ ЎзМТДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат олиш учун Марказий сайлов комиссиясига белгиланган ҳужжатлар тақдим этилди. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловда иштирок этишига рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ҳамда белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкалари топширилди.

Съездда делегатлар партиянинг VII Пленумида таклиф этилган ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Сарвар Саъдуллаевич Отамуратовни партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида тасдиқладилар.

Съездда сўз олган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Дилфуза Жалилова, партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Тожибой Романов, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Баҳодир Шаропов ЎзМТДПдан кўрсатилган номзод, унинг фаолияти хусусида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг номзод делегатларни сайловолди Дастури билан таништирди.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Раҳмонов, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Садбархон Мамитова, партия Сурхондарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Шоҳида Орипова мазкур сайловолди Дастур юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Таъкидландики, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг сайловолди Дастури партия дастурий ғоя ва мақсадларига асосланган ҳолда миллий-маънавий юксалиш, барча соҳада миллий манфаатлар устуворлигини таъминлашга йўналтирилган. Номзоднинг сайловолди Дастурида маънавий-маърифий соҳа етакчи ўрин тутиб, бу борада эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш энг муҳим вазифа сифатида белгиланган. Миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлаш, миллий манфаатлар ва миллий қадриятларимиз ҳимояси, Ўзбекистон тарихини чуқур ва холисона ўрганиш, ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси ҳамда ёдгорликларини асраб-авайлаш, она тилимиз софлигини сақлаш ва бойитиш, баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига устувор аҳамият қаратилган. Шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, ижтимоий соҳа самарадорлигини ошириш, миллий ахборот тизимлари ва ресурсларини ривожлантириш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш, миллий манфаатларга асосланган ташқи сиёсат юритиш борасида ҳам қатор мақсад-вазифалар илгари сурилган.

Съездда номзоднинг сайловолди Дастури маъқулланди ва сайловолди ташвиқотини олиб боришда фойдаланиш учун партиянинг марказий ва қуйи ташкилотларига тавсия этилди.

Съездда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг мамлакатимиздаги муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги муносиб иштирокини таъминлаш, сайловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишда партия ташкилотлари ва фаоллари олдида турган долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Амалдаги сайлов қонунчилигида белгиланган меъёрлар асосида сайловолди ташвиқотини, номзод ва ишончли вакилларнинг сайловчилар билан учрашувларини юқори савияда ташкил этиш, бу борада оммавий ахборот воситаларида ажратилган жой ва эфир вақтларидан самарали фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилди. Шу билан бирга, мазкур жараёнда барча даражадаги партия ташкилотларининг фаол иштирокини йўлга қўйиш, ташвиқот материалларини тайёрлаш ҳамда партиянинг сайлов участкаларидаги муносиб кузатувчиларини танлаш каби бир қатор муҳим масалалар юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

Съездда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Уставига қонунчиликка мувофиқ тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Съезд якунида делегатлар "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга асосан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни рўйхатга олишни сўраб, Марказий сайлов комиссиясига белгиланган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим қилиш масаласига тўхталиб ўтди. Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Съезд якунлари бўйича журналистлар учун брифинг ташкил этилди.

Сўз — Съезд делегатларига:

Ҳусниддин РАЖАБОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси котиби, Съезд делегати:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан кўрсатилган номзод — партия ва фракция раҳбари Сарвар Отамуратов номзоди Съезд делегатлари томонидан қўллаб-қувватланиб, тасдиқланди. Дарҳақиқат, партия етакчиси ўз фаолияти давомида ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, бу борада қатор янги лойиҳа ва ташаббусларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг натижасида партиямиз тарафдорлари ҳамда аъзолари сони йилдан-йилга ошиб бораётир. Шунингдек, партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугун электорат манфаатларига оид қатор масалалар улар ҳамкорлигида ҳал қилинмоқда. Депутатлик бирлашмаларимизнинг фаоллиги, ташаббускорлиги ортиб бораётир.

Дилфуза ЖАЛИЛОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси, Съезд делегати:



— Эътироф этиш жоиз, партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод нафақат сиёсий жараёнлардаги фаоллиги, балки ҳаётий ва иш тажрибаси, олим сифатидаги илмий фаолияти билан ҳам ажралиб туради. У Ўзбекистон Миллий университети, Банк-молия академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган. 2000 йилда "Ўзбекистоннинг ижтимоий фаол ёшларининг миллий ўзлигини англаш жараёнлари" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Номзоднинг миллий ўзликни англаш жараёнлари, мафкуравий таҳдидлар ва унга қарши кураш воситалари, ёшларда фуқаролик позициясининг шаклланиши, жамиятда ижтимоий фаол ёшларни тарбиялаш масалалари, мамлакат ҳамда жамият ҳаёти учун долзарб бўлган мавзуларда 2 монографияси, 4 ўқув-услубий қўлланмаси ва 80 дан ортиқ илмий ва оммабоп мақолалари чоп этилган.

Жуманазар ОТАЖОНОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси, Съезд делегати:

— Партиямиз Съездида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ЎзМТДПдан кўрсатилган номзод 2010 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, 2015 йилдан қуйи палата Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари сифатида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётига дахлдор долзарб қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатиб келмоқда. У депутатлик фаолияти давомида Қонунчилик палатаси муҳокамасига 30 дан ортиқ қонун лойиҳаси киритилишига масъул бўлган, 20 дан ортиқ қонун лойиҳаларини тайёрлашда шахсан иштирок этди. Хусусан, "Риэлторлик фаолияти тўғрисида", янги таҳрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Рақобат тўғрисида", "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида", "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида" ҳамда янги таҳрирдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунларни тайёрлашда ишчи гуруҳга раҳбарлик қилди.

Фракциямиз раҳбари 40 дан ортиқ назорат тадбирларида, иқтисодиёт, бюджет ҳамда ахборот-коммуникация соҳасига оид 60 дан зиёд халқаро ва республика миқёсидаги тадбирларни, 5 та парламент ҳамда 10 дан зиёд қўмита эшитувларини ташкил қилишда фаол иштирок этди. Жумладан, биргина жорий йилнинг ўзида фракциямиз ташаббуси билан ўтказилган иккита парламент эшитуви — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирининг ахбороти эшитуви ташкил қилинишида фракциямиз раҳбари талабчанлик ва фаоллик кўрсатганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Шоҳида ОРИПОВА,
ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари, Съезд делегати:

— Номзоднинг сайловолди Дастури партия дастурий мақсадларига асослангани, тараққиётимизнинг бугунги босқичига мослиги билан эътиборлидир. Унда **"Баркамол авлод — миллат таянчи"** тамойили асосида ёшлар онгини халқимизга ёт бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш масаласига ҳам алоҳида урғу берилган. Дарҳақиқат, бугунги ахборот асрида ушбу иллатга қарши курашиш жаҳон мамлакатлари олдида турган энг муҳим ва долзарб муаммога айланган. Қолаверса, у миллат қиёфаси ва ўзлигига ҳам таъсир этмай қолмайди. Сайловолди Дастурда "оммавий маданият"га қарши курашиш шунчаки мақсад сифатида эмас, балки унинг йўллари, механизми ҳам кўрсатиб берилгани эътиборга молик. Яъни, ёшларнинг қалби ва онгига миллий тикланиш ғоясини сингдириш, уларни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш келажак авлодни таъсирчан усулларда намоён бўлаётган иллат ва ахборот хуружларидан муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутади. Бунда кино, театр ва эстрада санъатида халқимизнинг бой ва бетакрор тарихи, маданияти, анъаналари ва илғор урф-одатларини таъсирчан бадиий образлар орқали ифода этадиган асарлар дунёга келишига кўмаклашиш ҳамда уларни тарғиб қилиш асосий вазифа сифатида белгиланган. Шу билан бирга, Дастурда болалар спортини ривожлантириш, ёшларни спортга кенг жалб этиш борасида илгари сурилган мақсад-вазифалар ҳам баркамол авлод тарбиясида муҳим ўрин тутади.

ЎзМТДП МК Ахборот хизмати

4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Сайлов комиссиялари аъзолари учун

семинар-тренинглар ўтказилади

13 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда округ сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Видеоконференц-алоқа шаклида ўтган мажлисда сайловга тайёргарлик кўришга доир масалалар кўриб чиқилди. Комиссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш масалаларига бағишланган тадбирлар режасини муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказишда участка сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юкланади. Шу боис Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш, уларнинг сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича кўникмаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган семинар-тренинглар ўтказишни режалаштирмоқда.

Республика семинар-тренинги онлайн шаклда Республика матбуот марказида, ҳудудий ва маҳаллий семинар-тренинглар бевосита ҳудудларда ташкил этилади. Бунда участка сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш ва унга ўзгартишлар киритиш, муддатидан олдин овоз беришни ҳамда сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш, кузатувчилар институти аҳамияти, оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёни очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашдаги роли сингари муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади.

Мажлисда 1-Қорақалпоғистон, 9-Сурхондарё ва 14-Тошкент округ сайлов комиссиялари раисларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ишларининг бориши ҳақидаги ахборотлари эшитилди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси ваколатларига тегишли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Кўриб чиқилган барча масала юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Истиқлол йилларида янгича мазмун касб этган сайлов тушунчаси мамлакатимиз фуқароларининг конституциявий бурчлари ва ҳуқуқларини амалга ошириш баробарида давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш имконини кенгайтирди. Ўтган йиллар давомида бу борада бой амалий тажриба орттирилиб, фуқароларимизнинг ҳуқуқий билимлари, сиёсий фаоллиги янада ошди. Шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳам фуқаролар фоллиги, ҳамжиҳатлиги асосида ўтиши шубҳасиз. Айни пайтда Сурхондарё вилоятида ҳам ушбу муҳим сиёсий тадбирни юқори савияда ўтказишга пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси

муҳим сиёсий жараёнга қизғин ҳозирлик кўрмоқда

Бунинг учун Термиз шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби биносида жойлашган 9-Сурхондарё округ сайлов комиссиясида барча шароит муҳайё этилган. Комиссия аъзолари асосий тадбирлар дастури, комиссия иш режаси, вазифалар тақсимоти, сайловчиларни қабул қилиш жадвалига асосан шаҳар ва туманларда сайловга тайёргарлик юзасидан амалий ва услубий ёрдамлар кўрсатиб келмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси раиси Абдукарим Аҳмедов. — Вилоятда бир ярим миллиондан ортиқ сайловчи бўлиб, уларнинг 8 мингдан ортиғи сайловда биринчи бор иштирок этади. Шу боис ёш сайловчиларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш, уларга сайлов қонунчилигини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Шу кунларда барча сайлов участкалари биноларини тўлиқ жиҳозлаш, сайлов участкалари атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Сайлов участкалари давлат рамзлари, сайловга тегишли адабиётлар, зарур мебель жиҳозлари, алоқа ва ахборот, техника воситалари билан таъминланмоқда. Шунингдек, она ва бола ҳамда тиббиёт ходимлари ташкил этиляпти. Аҳолининг сайлов тўғрисидаги хабардорлигини янада ошириш мақсадида вилоятда 50 мингдан ортиқ уч хил ҳажмдаги чақирув плакатлари жойларга етказилди. Катта ҳажмдаги 62 чақирув баннери вилоятнинг марказий кўчалари, аҳоли гавжум жойларида жойлаштирилди.

Сайловга тайёргарлик жараёнини ОАВ орқали кенг ёритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Округ сайлов комиссиясида ташкил этилган матбуот марказида малакали журналистлар фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунгача 42 нафар журналист аккредитациядан ўтказилди. Вилоят радиосида шу вақтга қадар сайловга оид жами олтмишдан ортиқ эшиттиришлар эфирга узатилди. Вилоят телевидениеси-да ҳам қатор кўрсатув, лавҳа ва роликлар намойиш этилди. Интернет ва босма нашрларда эса 60 дан ортиқ материал чоп этилди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси сиёсий жараёнга қизғин тараддуд кўрмоқда. Бўлажак сайловда халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, фуқаролик позициясини намоён қилиши учун барча шароит яратилаётир. Бу борада жойларда ўтказилаётган тарғибот тадбирлари, семинар-тренинглар, учрашув ва давра суҳбатлари яхши самара бериши шубҳасиз. Жумладан, Термиз шаҳридаги 2-академик лицейда ўтказилган "Менинг овозим — Ватаним келажагига дахлдор" мавзусидаги учрашувда сайловда илк бор иштирок этадиган ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Вилоятдаги бу каби саъй-ҳаракатлар муҳим сиёсий тадбирни халқаро меъёрларга мос, демократик тамойилларга асосланиб, уюшқоқлик билан ўтказишга хизмат қилади.

Бахром НОРМУРОДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ҳуқуқ ва бурч

— Амалдаги қонунчиликда сайловларнинг очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтиши белгиланган. Президент сайлови жараёнининг ошкоралиги асосан қандай йўллар билан таъминланади?

Абдураҳмон Маҳмудов,
Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани

— Миллий сайлов қонунчилигимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга ошириши белгилаб қўйилган.

Сайлов комиссиялари сайловчиларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, улар жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф этади. Улар сайловчиларни сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништириши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қилиши лозим.

Ҳозирги кунда Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича мамлакатимиз ва чет эл журналистларини аккредитациядан ўтказмоқда. Журналистлар аккредитациядан ўтиш учун жорий йилнинг 1 декабрига қадар Ўзбекистон Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказига тегишли ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим. Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик жараёнини мунтазам ёритиб боради. Шу мақсадда 2016 йил 21 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, "Uzreport" ахборот агентлиги билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш тўғрисида икки томонлама битим имзолади. Оммавий ахборот воситалари Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ, сайлов жараёнини кенг ёритиб бориши режалаштирилган.

Қонунга кўра сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни ҳар бир сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисидаги маълумотни округ сайлов комиссиясига сайловдан камида ўн беш кун олдин тақдим этади. Округ сайлов комиссияси кузатувчига Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси белгилаган намунадаги мандатни манфаатдор ташкилотдан ариза олинганидан кейин беш кун ичида беради. Бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчиларига эса мандатларни Марказий сайлов комиссияси тақдим этади. Бу каби барча жараёнлар сайловнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга хизмат қилади.

Акмал РАҲМОНОВ,
юридик фанлари номзоди,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

MILLIY TIKLANISH
44 (416) 2016 йил 19 октябрь, чоршанба

Фракция ҳаёти

Янги қонун лойиҳалари

муҳокама этилди

**< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.**

— Қонун лойиҳаси коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тўлиқ қонуний тартибга солиш, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари амалга ошираётган коррупцияга қарши чора-тадбирлар самарадорлигини оширишни кўзда тутади, — деди **ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Жумабоев.** — Унда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасидан коррупцияни тўлиқ бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига йўл қўймаслик муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилгани ЎзМТДП сайловолди Платформасида кўзда тутилган мақсад-вазифаларга тўла мос келади. Зеро, коррупциянинг олдини олиш ва уни бартараф этиш кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасига бевосита боғлиқ. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси таъминланишининг қўшимча ҳуқуқий кафолатларини яратади, хусусий мулк ҳуқуқига ғайриқонуний тажовузларни, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклашга кўмаклашади ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ошишига хизмат қилади.

Йиғилишда шунингдек, "Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидландики, мазкур қонун лойиҳаси маъмурий қамоқни ўташ тартиби билан боғлиқ бўлган муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, маъмурий қамоқни ўташ принциплари, тартиби ва шарт-шароитлари, маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини белгилаб бериш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида маъмурий қамоқ ўташнинг асослари, маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш учун махсус қабулхоналар маъмурияти ва ходимларининг ваколатларини белгилаб бериш назарда тутилмоқда. Шунингдек, маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, уларни махсус қабулхоналарда қабул қилиш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг махсус қабулхонага ташриф буюриш қоидалари акс эттирилмоқда.

— Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда маъмурий қамоқни қўллашнинг аниқ қоидалари, маъмурий қамоқ кўринишидаги жазони ўтайдиган жойлар ва уларнинг ҳуқуқий мавқеи белгилаб берилмаган, уларни техник ва маиший жиҳозлаш, маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кафолатлари, махсус қабулхоналар маъмурияти ва ходимларининг ваколатлари, маъмурий қамоқни ўташ тартибига доир бошқа муҳим тартиб-қоидалар кўзда тутилмаган эди, — дейди **ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шерзод Тўхташев**. — Мазкур қонун лойиҳасида айни шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Уни ишлаб чиқишда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят кодекси ҳамда соҳага оид қонун ва қонуности ҳужжатларининг қоидалари ҳисобга олинди. Шунингдек, бу борада АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Жанубий Корея каби хорижий давлатларнинг тегишли қонунлари, ушбу йўналишдаги халқаро ҳужжатлар пухта ўрганилди. Унинг қабул қилиниши мазкур соҳада қонунчиликдаги бўшлиқни тўлдириш, маъмурий қамоқни ўташ билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

Фракция аъзолари ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, ҳар икки қонун лойиҳаси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Йиғилиш сўнггида муҳокама этилган масалалар юзасидан ЎзМТДП фракциясининг тегишли қарори қабул қилинди.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП ташкилотларида

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар замирида ҳар томонлама баркамол, жисмонан соғлом, ақлан етук, замонавий билимлар ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлод тўғрисида қамҳўрлик қилишдек устувор мақсад мужассам.

"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун

мазмун-моҳияти ЎзМТДП тизимида чуқур ўрганилмоқда

Мамлакатимизда юритилаётган кучли ёшлар сиёсати мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. У Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва кўплаб қонунларда ўз ифодасини топган. 2016 йил 15 сентябрда кучга кирган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаради.

Тошкент вилояти Чиноз туманида бўлиб ўтган "Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирда шу ҳақда сўз борди.

Тадбир ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши томонидан ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари, партия Чиноз туман кенгаши фаоллари, бошланғич партия ташкилоти етакчилари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Мустақиллик йилларида эришган барча ютуқларимиз — халқимиз фаровонлиги, иқтисодиётимиз барқарорлиги, ҳеч муболағасиз, Бош қомусимиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиниши натижасидир, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Одилжон Тожиев**. — Жумладан, шу йил 15 сентябрда кучга кирган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини марказда ва жойларда рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар вазифалари, ваколатлари, шунингдек, уларнинг бу соҳадаги жавобгарлиги аниқ белгиланган. Ушбу органлар зиммасига ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, меҳнат ва бошқа соҳаларда ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган талаблар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шак-шубҳасиз ижро этилишини таъминлаш, ҳуқуқий тарғиботга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, ёшлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш вазифалари юклатилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Зеро, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борадаги ислоҳотларнинг самараси кўп жиҳатдан фуқароларнинг, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир.

— Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати навқирон авлод онги ва қалбига ватанпарварлик, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда, — дейди **ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Шуҳрат Насимов.** — "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани ёш авлодга эътиборнинг юксак намунасидир. Мазкур қонунда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатлари янада мустаҳкамланди. Бу борада давлат сиёсатини амалга оширувчи органлар ва муассасалар вазифалари, ваколатлари, шунингдек, уларнинг бу соҳадаги жавобгарлиги аниқ белгилаб берилди.

Мазкур қонун ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ёшларимизни комил ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш каби мақсад-вазифаларга уйғун ва ҳамоҳанг. У ёшларимизнинг бой ўтмишимизни мукаммал биладиган, қадриятларимиз мазмун-моҳиятини чуқур англайдиган, ёт ғоялар, мафкуравий таҳдид ва "оммавий маданият"нинг салбий таъсирига қарши курашга оладиган инсонлар бўлиб вояга етишига хизмат қилади. Шу боис мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти, ундан келиб чиқадиган мақсад-вазифаларни аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишда барча даражадаги партия ташкилотларимиз ва депутатлик бирлашмаларимиз фаол иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот берилди. Янги қонунни тарғиб этиш бўйича партия вилоят, туман ва шаҳар ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шаҳбоз НИЗОМИДДИНОВ,
ЎзМТДП Чиноз туман кенгаши раиси:

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган бирорта ислоҳот йўқки, унда ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиши, порлоқ келажаги кўзланмаса. Янги қонунда ҳам кучғайрат ва қатъият билан замонавий билим ва касб-ҳунарларни ўзлаштиришимиз, ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларимизга эришишимиз учун барча имкониятлар, шарт-шароитлар яратилиши кафолатланган. Бу эътибор ёшларимизни юксак марралар томон олға интилишга, бор куч-ғайрати, салоҳиятини аямай, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшиб яшашга руҳлантиради.

Тўрт боб, ўттиз уч моддадан иборат ушбу ҳужжат очиқлик, қонун ижросида, аввало, ёшлар иштирокига, уларнинг эзгу ташаббусларига қанот бериш, маънавий-ахлоқий, маданий қадриятларнинг устуворлигини таъминлаш каби тамойилларга таянади. Мадомики шундай экан, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни келажагимиз эгаларини ватанпарвар, юртга садоқатли, фаол фуқаролик позициясига эга шахс этиб тарбиялашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

21 октябрь — "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган кун

Миллатнинг бебаҳо бойлиги

бўлган она тилини жойларда ЎзМТДП гуруҳлари муносиб ҳимоя қилмоқда

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига бу йил 27 йил тўлди. Олиб борилаётган амалий чора-тадбирлар, илмий изланиш ва тадқиқотлар самарасида она тилимиз янада бойиб, сайқалланиб, дунё миқёсида аҳамияти ҳамда нуфузи ошиб бораётир.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида она тилимизнинг қўлланиш имконияти ва сарҳадлари кенгайди. Турли даражадаги расмий учрашув ва музокараларда ўзбек тили кенг қўлланаётгани, хориждаги қатор таълим даргоҳлари, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, уларда она тилимизни ўрганишга қизиқувчилар сафи кенгайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Бироқ ўзбек тилининг қўлланилиши билан боғлиқ айрим муаммолар ҳам борки, ундан кўз юмиб бўлмайди. Оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевидение ва радиода ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилаётгани, ташқи ёзувлар — жамоат жойлари, кўча ва бекатлардаги айрим эълон, ёзув ва жой номларида имловий-орфографик хатоларга йўл қўйилаётгани ана шулар жумласидандир.

ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари партия сайловолди Платформасида белгиланган мамлакатимизда ўзбек тили мақомини янада мустаҳкамлаш, давлат тилининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ёшлар онгида она тилимиз, миллий рамзларимизга нисбатан ҳурмат туйғусини янада ошириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлашга кўмаклашиш каби мақсад-вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида "Давлат тили ҳақида"ги ва "Реклама тўғрисида"ги қонунларнинг жойлардаги ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларни атрофлича ўрганиш, таҳлил қилиш, ўзбек адабий тилининг қўлланилиши борасида йўл қўйилаётган айрим камчиликларни бартараф этишда муносиб иштирок этмоқда.

Айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари томонидан "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг ҳудудлардаги ижроси ўрганилиб, доимий комиссия йиғилишлари, сессияларда кенг муҳокама этиляпти, бунинг натижасида жойларда она тилимизнинг қўлланилиши билан боғлиқ айрим хато ва камчиликлар бартараф қилиняпти, унинг софлигини сақлаш ва янада бойитишга салмоқли улуш қўшилмоқда.

Жамоат жойлари ва оммавий ахборот воситаларида ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига риоя қилиш ижтимоий-маънавий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Шу боис халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари ушбу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. Партия гуруҳлари ҳудудлардаги ҳолатни ўрганиш жараёнида ноширлик фаолияти, лавҳалар, эълонлар, реклама баннерлари ва бошқа кўргазмали ахборот матнлари, корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ёрлиқлари, йўриқномалари, объектларнинг номларини тўғри ёзиш ва қўллашда хато ва камчиликлар мавжудлигини аниқлади. 2016 йилнинг шу даврига қадар маҳаллий Кенгашларнинг 30 дан ортиқ сессиясида айни шу масала муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Сессиялар қарорларида ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиниши борасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Шу ўринда савол туғилади: маҳаллий Кенгашлар сессиялари қабул қилган қарорлар жойларда қай даражада ижро этиляпти?

— ЎзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларига "Жамоат жойлари, ОАВда ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиниш ҳолати тўғрисида"ги масаланинг киритилиши ҳудудларда бу борада йўл қўйилаётган айрим хато ва камчиликларни бартараф этишда муҳим омил бўлмоқда, — дейди **ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи Илҳом Расулов.** — Агар биргина Тошкент вилояти миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, айни шу масала партия гуруҳларимиз ташаббуси билан халқ депутатлари Янгийўл, Чиноз, Бўстонлиқ, Оққўрғон, Оҳангарон туманлари, Ангрен, Чирчиқ ва Бекобод шаҳар Кенгашлари сессияларида муҳокама этилди, тегишли қарорлар қабул қилиниб, ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Масалан, Бўстонлиқ туманидаги "Маърифат" ва "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғини, Ғазалкент деҳқон бозорида ўрнатилган баннерлардаги ёзувларда ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига риоя этилмагани учун янгисига алмаштирилди. Чирчиқ шаҳри кўча ва бекатларидаги айрим хато ёзилган сўзлар тўғриланди. Шаҳарнинг бошқа ҳудудларидаги реклама баннерлари, эълонлар ҳам қайта кўриб чиқилиб, мавжуд хатолар тузатилди.

— Она тили — халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлиги. Мадомики шундай экан, тил ҳақидаги қонун ижросини тўлиқ таъминлаш, ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини олиш, тилимиз софлигини сақлаш, мавқеини тиклаш ҳар биримизнинг бурчимиздир, — **дейди халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Муҳаммади Сангиров.** — Яқинда партия гуруҳимиз саъй-ҳаракати билан шаҳримизга кираверишда ўрнатилган катта баннердаги хато ёзув тўғриланди. Шаҳардаги барча эълон ва рекламалар кўриб чиқилиб, ўзбек адабий тили қоидаларига риоя этилмаганлари алмаштирилди.

Газетамизнинг аввалги сонларида айни шу масала халқ депутатлари Навоий вилоят ҳамда унинг бир қатор туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида муҳокама этилиб, қарорлар қабул қилингани ҳақида хабар берган эдик. Орадан маълум вақт ўтгач, унинг ижроси билан қизиқдик. Ўтган муддат ичида Навоий шаҳридаги дарахт, симёғоч ва бошқа жойларга ўзбошимчалик билан ўрнатилган реклама ва эълонлар олиб ташланди, савдо муассасалари, корхона-ташкилотлар пештоқидаги, кўчалардаги ўзбек адабий тили меъёрларига риоя этилмаган ёзувлар алмаштирилди. Кармана туманидаги Тошкент-Бухоро автомагистрали ёқасида ўрнатилган баннердаги хато ёзув тўғриланди. Учқудуқ туманининг Амир Темур кўчасида дарахтлар тўсиб қўйган баннер бошқа жойга кўчирилди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи айни шу масалада мониторинг ишларини йўлга қўйди.

Бундай саъй-ҳаракатлар Наманган, Сирдарё, Жиззах вилоятларидаги туман ва шаҳарларда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари қатор ҳамкор ташкилотлар билан бирга давлат тили нуфузини юксалтириш, унинг меъёр ва қоидалари бузилишига йўл қўймаслик учун мониторинг ишларини давом эттирмоқда. Сессия қарорларининг ўз вақтида бажарилиши юзасидан жойларда депутатлик назорати янада кучайтирилди. Зеро, ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига риоя этилишини ўрганиш билан боғлиқ ишларни изчил давом эттириш муҳим вазифалардан биридир.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Она тили — миллат руҳи

ғояси партия тадбирларида кенг тарғиб этилмоқда

Ҳали собиқ мустабид тузум ҳукмронлиги давом этаётган бир даврда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. 1989 йил 21 октябрда "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинди. Бундай катта маънавий жасорат халқимиз ҳаётидаги янги миллий уйғониш даврига кенг йўл очди.

Истиқлол йилларида ўзбек тилини бойитиш, унинг нуфузини ошириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Айниқса, ўзбек тилининг мақоми Бош қомусимизда ўз ифодасини топиб, 1995 йилда "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилингани она тилимизнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини, ролини, ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлади. Ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси қаторидаги, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди.

Ҳар йили 21 октябрь юртимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида кенг нишонланади. Айни кунларда ЎзМТДП ҳудудий ташкилотларида ҳам мазкур санага бағишланган турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Ҳар бир халқ мустақиллигининг, ўзлигини англашнинг дастлабки шартларидан бири маънавиятнинг асоси бўлган она тилини асраб-авайлаш, равнақ топтиришдир. Она тилига бўлган муҳаббат, аввало, ҳар бир сўз маносини чуқур англаш, сўзларни ўз ўрнида қўллаш, ўзбек тили софлигини асраб-авайлашда намоён бўлади.

ЎзМТДП Пахтаобод туман кенгаши "Тил — миллатнинг улуғ қадрияти" лойиҳаси доирасида "Тил — миллат кўзгуси, маънавий бойлиги" мавзусида ташкил этган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

— Халқнинг она тили ва адабиёти шундай кучки, унда шу халқнинг қалби яшайди, неча мингйиллик тарихи, маънавий тажрибаси, миллий тафаккури, миллий руҳи ва қадриятлари, хуллас, халқни халқ сифатида дунёга намоён этадиган мезонлари тил ва адабиётда мужассам бўлади, — деди партия Пахтаобод туман кенгаши раиси Жасурбек Ҳамидов. — Ҳозирги глобаллашув жараёнида дунёнинг баъзи халқлари ўз она тилидан мосуво бўлиб, тарихи ва келажагидан узилиб қолаётгани кўпчиликка маълум. Қайсики халқнинг тили таназзулга юз тутса, ўша халқнинг инқирози муқаррардир. Шунинг учун ўз қадрини билган миллат она тилини ўзини асрагандай асрайди, унинг тараққиёти, тақдири учун муттасил курашади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳада бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни она тилимизни илмий асосда ривожлантириш борасида кенг имконият яратди. Тилга оид энциклопедия, луғатлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Саксон мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмасини, фан, техника, саноат, маданият ва бошқа соҳаларга оид атамаларни, шеваларда қўлланиладиган сўзларни ўз ичига олган беш жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" бу борада амалга оширилган муҳим ишлардан биридир.

Тадбирда таъкидланганидек, партия сайловолди Платформасида давлат тилини бойитиш ва янада такомиллаштириш, тил маданиятини, ўзаро муомала сифатини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини олишга қаратилган аниқ мақсадли ишларни амалга ошириш каби устувор вазифалар белгиланган. Бу каби чора-тадбирлар ушбу дастурий вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, ёшлар қалбида она тилига бўлган эътибор ва муҳаббатни ошириш, уларга тил маданияти қоидаларини янада мукаммал ўргатишда муҳим аҳамиятга эга.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутат минбари

Истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими шаклланди. Айни вақтда юртимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус тузилган бўлинмалар ва бошқа бир қатор ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича яна бир янги институт

Яқинда яна бир янги институт — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди. Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати бу йўналишда қизғин иш олиб бормоқда.

Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ушбу институт тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш, давлат тузилмалари билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ифодалашда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида ушбу тузилманинг асосий ваколатлари белгилаб берилган. Жумладан, бўлажак тузилма тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этади. Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганиш билан шуғулланади.

Бундан ташқари, янги институт қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаб боради. Давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

Президент фармонининг инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган бошқа айрим жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ушбу муҳим ҳужжат, биринчи навбатда, юртимизда хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинганини алоҳида қайд этиш даркор.

Фармонда давлат органлари тизими олдига тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштиришдек масъулиятли вазифа қўйилди. Хусусан, давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар ўз фаолиятида белгиланган талабларнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилининг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаши, шу муносабат билан ўз вазифалари ва ваколатларини танқидий қайта кўриб чиқиши зарур.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш вазифаси юкланди. Фармонда маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўлини давом эттириш назарда тутилгани ҳам эътиборга молик.

Мухтасар айтганда, фармонда белгиланган чоралар хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиздаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ҳамда чекловларга барҳам бериш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада ошириш учун қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратиш борасидаги изчил, босқичма-босқич, узвий ҳамда самарадор янгиланишларнинг мантиқий давоми бўлди. Шу билан бирга, ушбу фармон ўз мазмун-моҳияти билан ЎзМТДПнинг иқтисодий соҳадаги дастурий мақсад-вазифаларига уйғун ва ҳамоҳангдир. Унинг аҳамиятини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорларга етказиш партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдидаги муҳим вазифадир.

Акмал САИДОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси,
юридик фанлар доктори,
профессор

Миллий ғурур

Қудратли юрт фарзандлари

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Ушбу нуфузли турнирда ҳамюртимиз Гулноза Матниёзова хотин-қизлар ўртасида вазни 70 килограммгача бўлган дзюдочилар баҳсида барча рақибини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

— Юртимизда ёшлар учун барча соҳада кенг имконият яратилган, — дейди Гулноза. — Фақат ана шундай эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлишимиз, ундан самарали фойдаланишимиз лозим. Галдаги олий мақсадим — 2020 йил Токиода бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш, халқаро майдонда Ватанни шарафлаш, унинг обрўси юксалишига ҳисса қўшишдан иборат.

Дзюдо мамлакатимизда кенг ва жадал ривожланаётган спорт тури саналади. Дзюдочиларимиз Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, турли нуфузли турнирларда совринли ўринларга сазовор бўлмоқда, янги-янги истеъдод эгалари кашф этиляпти.

Гулноза дзюдо билан беш ёшидан шуғуллана бошлаган. Мактабни тамомлагач, Урганч олимпия захиралари коллежида ўқиди. Айни пайтда Урганч давлат университетининг жисмоний тарбия факультетида таҳсил олмоқда.

— Гулнозани дзюдо тури бўйича тўгаракка олиб борганимда айримлар бу қизларга мос эмас, деб мени йўлимдан қайтармоқчи бўлганди, — дейди спортчининг отаси Жумабой Матниёзов. — Лекин мен уларнинг фикрига қўшилмадим. Чунки спорт, айниқса, дзюдо билан шуғулланиш мен учун бир умрлик армон бўлиб қолган, шароит бўлмаганлиги туфайли ниятим ушалмаган. Мустақиллик шарофати билан бугун ёш авлод учун барча имконият мавжуд. Фарзандим мусобақада иштирок этиб, олтин медалга сазовор бўлганида барча армоним ушалгандек бўлди. Бу ғалабаси билан у бизнинг ёшларимиз — фарзандларимиз не-не улуғ алломаларга бешик бўлган буюк юрт фарзанди эканини, истеъдод ва салоҳиятда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини яна бир бор исботлади. Қизимнинг ютуғи халқимизнинг, Ватанимизнинг ютуғидир!

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор туфайли Гулноза Матниёзова сингари спортчи ёшлар сафи кенгайиб бормоқда. Улар жаҳон спорт ареналарида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, юксак ғалабаларга эришаётгани барчамизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлайди.

— Ўзбекистон — чинакам истеъдодлар юрти, — дейди Гулнозанинг мураббийи Тамара Югай. — Мустақиллик уларнинг истеъдодини юзага чиқариш учун кенг шароит ва имконият яратди. Гулноза каби қизлар ана шундай ғамхўрлик ва эътибордан куч олаётир. Уларга билдирилаётган ишонч янада олға интилиши учун катта туртки бўлади. У ҳали ёш бўлишига қарамай, Осиё чемпионати, Европа кубоги очиқ мусобақасида олтин медалга сазовор бўлди. Яқинда бўлиб ўтган халқаро турнирда ҳам ғолиб чиқиб, ишончимизни оқлади. Шогирдимнинг бундай оламшумул муваффақиятининг бош сабаби — шу улуғ заминда камол топгани.

Т. АЪЗАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Музейда бир кун

Халқимиз буюк тарихининг кўзгуси

Темурийлар тарихи давлат музейи — 20 ёшда

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тарихимизни холисона ўрганиш, бой маънавий мероси, ёрқин фаолияти билан дунёда ном қозонган буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Соҳибқирон Амир Темур шахси, унинг халқимиз ва Ватанимиз тарихидаги ўрнига холис баҳо берилди.

1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили, деб эълон қилинди, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида Соҳибқироннинг ҳайкаллари қад ростлади. Пойтахтимизда Темурийлар тарихи давлат музейи очилди. Бобокалонимиз шарафига орден таъсис этилди. Кўчалар, майдонлар, хиёбонлар буюк аждодимиз номи билан аталди.

Буларнинг барчаси Амир Темур фаолиятини ўрганиш ҳамда оммалаштиришга кенг йўл очди.

Темурийлар тарихи давлат музейи биноси Амир Темур давридаги саройлар кўринишида қурилган бўлиб, иморатнинг асосий кириш эшиклари Амир Темур хиёбонига қараган. Ёғоч ўймакорлигининг ёрқин намунаси бўлган, ёнғоқ дарахтидан ишланган, кўркам бу эшиклардан экспозиция залига кириб борилади. Иморатнинг бутун айланаси бўйлаб жойлашган ярим очиқ айвонини салобатли, оқ рангли устунлар безаб туради. Бинонинг ташқи деворига ишланган нақш ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Бу нақшларда адолат, маърифат, диёнат, оқибат, қадрият, садоқат, матонат, мурувват, шижоат каби эзгуликка ундовчи, Амир Темур юритган тўғри ва одилона сиёсатни акс эттирувчи сўзлар битилган. Буларнинг барчаси иншоотга ўзгача кўрк бағишлайди.

Ҳозирда музей фондидан беш мингдан ортиқ экспонат жой олган. Улар орасида нодир ашёлар кўп. Булар — Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид қўлёзмалар, ёзишмалар, олтин, кумуш ва мис тангалар, сопол, бронза, мис буюмлар, меъморий қопламалар, этнографик манбалар, ўша даврга оид заргарлик буюмлари намуналари, Амир Темур мақбараси ва Бибихоним масжидидан топилган ашёлардир.

Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳудудида олиб борилган археологик қазишмалар пайтида топилган ашёлар, кўплаб юртдошларимиз тақдим этган тарихий, маданий аҳамиятга эга буюмлар, хорижий давлатлардаги маданий ёдгорликларни қайтариш борасидаги ишлар туфайли музей фонди йилдан-йил бойиб бораётир.

— Юртимизда буюк аждодларимизга муносабат ва эҳтиром юксак даражада, — дейди музей директори, тарих фанлари номзоди Хуршид Файзиев. — Музейда буюк бобокалонимиз Амир Темур шахсини улуғлаш, ёш олимлар билан маданий-маърифий фанларнинг етакчи йўналишлари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, республика ва хорижий мамлакатлар жамоатчилигини Темурийлар даври тарихи билан таништириш, манбаларни тўплаш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, Амир Темур ва темурийларнинг жаҳон илм-фани, маданиятига қўшган улкан ҳиссасини кўрсатиб берадиган ноёб ҳужжатлар, қўлёзмалар, моддий-маънавий ёдгорлик ва топилмалар асосида ўзбек халқи тарихини ёритувчи доимий ҳамда вақтинчалик экспозиция ва кўчма кўргазмалар ташкил этилади. Музей йилдан-йилга янги изланишлар, экспонатлар билан бойитилмоқда.

Бу ерга ташриф буюрадиган хорижлик меҳмонларни кузатиш ҳам қизиқарли, ҳам фахрли. Қизиқарлилиги — улар бу ерга келганда ўз ҳайратларини яширолмайди. Экскурсаводларга ҳар бир эскпонатнинг шакл-шамойили, вазифасига доир саволлар билан мурожаат этади. Уларга музей ходимлари она тилимиздан ташқари рус, инглиз, француз ва араб тилларида ҳам саёҳатлар уюштиради. Ушбу ноёб иншоот нафақат музей, балки Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганувчи ўзига хос илмий марказ ҳам саналади. Ўтган йиллар мобайнида музейда "Темурийлар даври ренессанси", "Темурийлар даври ёзма ёдгорликларининг Ўзбекистонда ва хорижда ўрганилиши" мавзусида фундаментал, "Шоҳрухия қалъа-шаҳари — Амир Темур ва темурийлар даврининг ноёб ёдгорлиги" мавзусидаги лойиҳалар амалга оширилди. Музейдаги илмий-тадқиқот ишлари Амир Темур ва темурийлар даври тарихини чуқур ва холисона ўрганишга қаратилган.

— Амир Темур шахсига жаҳоннинг турли қитъаларида қизиқиш юқори бўлиб, хорижда яратилган асарларда Соҳибқирон буюк давлат арбоби, моҳир саркарда, илм-фан ҳомийси сифатида таърифланади, — дейди Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси Нозим Ҳабибуллаев. — Бобокалонимиз ҳаётига дунё миқёсида қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шу йилнинг май ойида Соҳибқирон таваллудининг 680 йиллигига Нидерландиянинг Лейден университетида "Амир Темур ва темурийлар даврида маданий ҳамда илмий алоқалар" мавзуида халқаро илмий конференция ўтказилди. Унда Ўзбекистон, АҚШ ва Европадан таниқли олимлар иштирок этди. Кувонарлиси, айни пайтда нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам Соҳибқирон ҳаёти ва даври билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борилмоқда. Конференцияда хориж олимларининг буюк бобокалонимиз тўғрисидаги маърузаларини фахр-ифтихор билан тингладик. Бу улуғ аждодларимизнинг ўлмас ғоялари ҳаётбахш экани, миллатимиз тарихига, маънавиятимизга қизиқиш кучайиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги "Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Темурийлар тарихи давлат музейи ҳам ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари бепул хизмат кўрсатяпти. Бугунги кунгача 30 мингдан ортиқ ўқувчи ва уларнинг ота-оналари музей экспозицияси билан танишгани ёш авлодни она Ватанга меҳр-муҳаббат, буюк аждодларимиз меросига эҳтиром руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар кенг кўлам ва улкан аҳамият касб этаётганидан далолат беради.

— Музейга илк маротаба болалигимда келгандим, — дейди Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси Гулираъно Очилова. — Тарих китобларида ўқиган, телевизор орқали кўрганларимнинг бари кўз ўнгимда намоён бўлган. Музейнинг ранг-баранг экспонатлари билан танишиб, ўтмишимизнинг буюклигидан чексиз фахр-ифтихор туйганман. Бундай бебаҳо мерос ўсиб келаётган келажак авлодни буюк аждодларимизга муносиб бўлишга, миллий ўзлигини чуқур англаган, маънавий баркамол инсонлар бўлиб улғайишга ундаши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, Амир Темур ва темурийлар тарихини янада кенг тадқиқ ҳамда тарғиб қилиш ёшларда буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиш ҳиссини кучайтириш, уларни илмий ва маданий меросимизга эҳтиром руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Бугун мамлакатимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фарзандларимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш, ёшларни жисмонан, ақлан ва маънан юксалтириш борасидаги изчил ислоҳотлар Амир Темур бобомизнинг дунёқараши ва тутумларига моҳиятан уйғун. Зотан, Соҳибқироннинг "Куч — адолатда" шиори биз қураётган кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлатнинг барча принципларига ҳамоҳангдир.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тадбир

Юқори малакали кадрларни тайёрлаш — долзарб вазифа

Тошкент давлат юридик университетида "Юридик кадрлар тайёрлаш тизими: кеча ва бугун" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда Тошкент давлат юридик университети проректори Мансур Камолов ва бошқалар мамлакатимизда юқори билимли, малакали, кенг дунёқарашга эга юридик кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. 2013 йил 28 июндаги "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори бунда дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур қарор асосида Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантирилди, юридик кадрлар тайёрлаш бўйича базавий таълим муассасаси ҳамда илмий методик марказ ташкил этилди. Бугун университетда ўқув жараёни дунёнинг кўпгина мамлакатларида амалда бўлган ва ўзининг қулайлиги ҳамда самарадорлиги билан тан олинган ўқитишнинг модул тизимига асосланиб амалга оширилмоқда. Мазкур тизим талабаларда мустақил таълим олиш қобилиятини ривожлантириш, ўқув фанларини ўз соҳаси йўналишидан келиб чиқиб, танлаш имконини беради.

— Таълим соҳасини ташкил этишда тажриба алмашиш ҳамда олий малакали юридик кадрлар тайёрлаш мақсадида Тулуза университети билан доимий ҳамкорлик ўрнатилган, — дейди университетнинг "Жиноят ҳуқуқи ва криминалогия" кафедраси мудири Отабек Маҳмудов. — Университетимизда Германия, Франция, Буюк Британия, Япония сингари давлатларнинг соҳага оид тажрибаси ўрганилиб, ўқитишнинг замонавий шакл ва услублари жорий этилган. Ўқув жараёнига "Юристнинг ёзма нутқи", "Илмий-тадқиқот фаолияти", "Юристлар учун хорижий тил" каби бир қатор янги фанлар киритилди. Соҳадаги махсус фанларни инглиз тилида ўқитиш амалиёти ҳам йўлга қўйилди. Талабаларнинг билимларини холис баҳолаш механизмлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Анжуманда университетнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги, 65 та ўқув адабиёти нашр этилгани хусусида маълумот берилди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Ўз мухбиримиз

MILLIY TIKLANISH
44 (416) 2016 йил 19 октябрь, чоршанба

Реклама ўрнида

Qishloq Qurilish Bank

Тадбиркорларнинг ишончли ва яқин кўмакдоши

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига замонавий шароит ва кафолатлар яратиш, солиқ ва божхона имтиёзларини кенгайтириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ- манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун йирик молия муассасаларидан бири — "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ аҳоли, айниқса, ёш тадбиркорларнинг яқин ҳамкори ва кўмакчисига айланиб улгурди. Банк маблағлари, замонавий хизматлари орқали ўз омонатларини кўпайтираётган ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, бозорларимиз тўкинлигига, ҳудудларимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган изланувчан, ташаббускор ҳамюртларимизнинг муваффақиятларини кузатиб, бунга яна бир бор амин бўляпмиз. Бу, албатта, ўз фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштираётган банкларимизга аҳолининг ишончи тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Қишлоқ қурилиш банк" кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва ёш оилаларга имтиёзли кредитлар ажратиш, пировардида, бандлик даражасини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш, улар яратаётган инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш чораларини кучайтирмоқда. Бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилган ушбу масала юзасидан банк қатор ташкилот ва муассасалар, жумладан, Марказий банк ва тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон фермерлари кенгаши, "Ҳунарманд" уюшмаси, Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. "Қишлоқ қурилиш банк" ва ҳамкор ташкилотлар ўртасидаги қўшма лойиҳалардан бири — "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" кўрик-танлови бўлиб, у 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган.

Ундан кўзланган асосий мақсад — йигит-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатимиз иқтисодиёти юқори ўсиш суръатлари барқарорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

"Қишлоқ қурилиш банк" ўз фаолиятида кичик бизнесга йўналтирилган кредит ресурсларини тақсимлашда ушбу тоифадаги мижозлар талабларини мунтазам ўрганиб боради. Жумладан, 2011-2016 йиллар давомида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 62 миллиард 734 миллион сўм миқдорида кредитлар берилди. Қувонарлиси шундаки, молия муассасасига тадбиркорлик соҳаси билан шуғулланиш ниятида сармоя сўраб мурожаат қилган ёшлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Буни ҳисобга олган ҳолда банк жорий йилда ушбу йўналишда ажратиладиган кредитлари ҳажмини ўтган йилга нисбатан янада оширди. Хусусан, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида жорий йилнинг 9 ойи давомида касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиш, уларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун 22,2 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини замон талаблари асосида йўлга қўйиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада тадбиркорларнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта тайёрлаш ҳажми ва турларини янада ошириш устувор вазифага айланди. "Қишлоқ қурилиш банк" ана шундай мақсадлар учун жорий йилда 53,2 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратди.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, амалий ёрдам кўрсатиш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш банкнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Ҳисобот даврида хотин-қизлар ҳамда ёшларни маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркор аёллар раҳбарлик қилаётган хўжалик субъектларига 96,3 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Хотин-қизларнинг уй меҳнатини енгиллаштириш, маиший шароитларини яхшилаш мақсадида маиший ва ошхона электр жиҳозларини харид қилиш учун ёш оилаларга 3,9 миллиард сўм истеъмол кредитлари берилди.

Ҳукуматимиз томонидан ёш оилаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ажратилаётган ипотека кредитлари ёш оилаларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган бўлиб, уларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда. Банк томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида ёш оилаларга ажратилган ипотека кредитлари миқдори 60,1 миллиард сўмни ташкил этди. Шунингдек, янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларига, оилавий тадбиркорлар ҳамда касаначиликка 35,4 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар йўналтирилди.

Мамлакатимизда ёш тадбиркорларга қаратилаётган эътибор туфайли бугун қишлоқ жойларда ҳам кичик корхоналар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Кичик бизнес тадбиркорлар учун фойда олиш, ёшларни иш билан таъминлаш, оилавий бюджетни яхшилаш, бозорда катта талабга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, аҳолига турли хизматлар кўрсатишда муҳим ўрин тутмоқда. Бунинг натижасида қишлоқ жойларда ҳам шаҳардан қолишмайдиган шароит яратилмоқда.

Отабек ИСОҚОВ,
"Навқирон нозанин" оилавий корхонаси раҳбари (Навоий вилояти):

— Бугун мамлакатимизда халқимиз турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши учун кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, биз каби ёш тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги фаолиятимиз кўлами ва турларини янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Жорий йилда "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" танловининг ғолиби сифатида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берадиган сертификат билан тақдирландим. Биз ёшларга берилаётган бундай эътибордан руҳланиб, оила аъзоларимиз билан эркак ва аёллар учун пайпоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Корхонамизни кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтиришда, асосан, "Қишлоқ қурилиш банк" АТБнинг молиявий кўмагига таянамиз. Унинг Навоий минтақавий филиали томонидан ажратилган 39 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига хориждан келтирилган замонавий ускуна, пайпоқ ишлаб чиқариш учун хом ашё сотиб олдик. Бунинг натижасида ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз сифати янада ошди, янги иш ўринлари яратилди.

Доимий ҳамкоримиз — "Қишлоқ қурилиш банк" билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш, фаолиятимизни кенгайтириш, оилавий тадбиркорлик негизида йирик корхона ташкил этиш ниятидамиз. Мақсадимиз — қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, маҳсулотларимизни нафақат ички, балки ташқи бозорга ҳам олиб чиқишдан иборат. Бу каби эзгу ва улкан мақсадга эришишда бизга, албатта, банк кўмаги жуда зарур бўлади.

Банк ахборот хизмати

Хизматлар лицензияланган

Ижтимоий реклама

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, йирик хўжалик субъектлари, шунингдек, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари ўртасида "ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ АХБОРОТ ХИЗМАТИ" ижодий танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

Танлов шартлари:

Танловда иштирок этиш учун ахборот хизмати ёки матбуот марказининг жорий йилдаги фаолияти ва эришган ютуқлари ҳақида маълумот — 2016 йилнинг 1 январидан 10 ноябригача давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик субъектлари, жамоат ташкилотларининг расмий ахборот сайтларида, шунингдек, мамлакатнинг босма ва Интернет нашрларида чоп этилган, таърифланган фаолиятни тасдиқлайдиган манбаларга барча ҳаволаларни тақдим этган ҳолда, вазирликлар, идоралар ёки жамоат ташкилотлари, ахборот хизмати ходимининг фамилияси ва исми, ОАВда тадбирлар қайд этилган мақолаларнинг асл нусхаси тақдим этилиши керак.

Танлов олтита номинация бўйича ўтказилади:

– йилнинг энг фаол ахборот хизмати;

– йилнинг энг фаол ахборот хизмати раҳбари ёки ходими;

– энг яхши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий сайти;

– йил кашфиёти;

– маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этганлиги учун;

– журналист наздидаги энг фаол ахборот хизмати.

Номинациялар бўйича танлов ҳужжатлари рўйхати:

Йилнинг энг яхши ахборот хизмати — жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимларининг исми ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлари бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Йилнинг энг яхши ахборот хизмати раҳбари — жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати раҳбарининг фамилияси ва исмининг ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Энг яхши расмий сайт — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари расмий сайтининг фаолиятини, расмий веб-сайт ва бошқа ОАВда, жумладан, электрон нашрларда чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, веб-сайтга кундалик ташриф буюрувчилар сони, чоп этилаётган ахборотнинг ғоявий-бадиий даражаси ва контент сифати, шунингдек, расмий веб-сайтда тил версияларининг ишлашини эркин усулда таърифлаш.

Йил кашфиёти — жорий йилда йирик жамоат ташкилотлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ахборот хизмати ходимлари ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимлари фамилияси ва исми матбуотда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этиш — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий саҳифасининг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти, рўйхатдан ўтганларнинг сони, фойдаланувчиларнинг умумий қамрови, расмий саҳифа ва Интернет-ОАВда чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, расмий саҳифада тақдим этилган материалларга репостлар сони, ахборотни ижтимоий тармоқларда жойлаштириш тезлиги, ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар билан мулоқот самарадорлигини эркин шаклда таърифлаш.

Журналист наздидаги энг фаол ахборот хизмати — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмлари, масс-медиа вакиллари учун ўтказиладиган тадбирлар сони ва уларнинг иштирок этиш даражаси, шаклланган журналистлар маблағининг мавжудлиги, журналистлар учун махсус мавзуга доир танловларнинг ўтказилиши, тадбирлар доирасида тақдим этиладиган тарқатма материалнинг сифати, онлайн режимида ташкилот фаолияти ҳақидаги дайджестларнинг доимий равишда юритилишини эркин шаклда таърифлаш.

Танловда иштирок этиш учун ариза юридик шахс раҳбари — танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳр босилган, иш жойи, касбий фаолияти ҳақида қисқача маълумот, телефон рақами, манзили ва муаллиф паспортининг нусхаси илова қилинган ҳолда тўлдирилган бланкни ташкил этади.

Танловга топширилган материаллар ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тилида тайёрланган бўлиши ва босма, Интернет нашр ёки веб-сайт кўрсатилган ҳолда босма ҳамда электрон шаклда тақдим этилиши керак.

Фоторепортажлар асл нусха ҳолатида тақдим этилади.

Танлов ғолибларига совринлар:

Ғолиблар ҳар бир номинация бўйича махсус диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланади.

Материллар 2016 йилнинг 10 ноябригача "Йилнинг энг фаол ахборот хизмати" танловига қайди билан Тошкент шаҳар 100129, А.Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига юборилиши керак.

Батафсил маълумотни 244-12-51, 244-14-28 телефонлари орқали олиш мумкин.

Ташкилий қўмита

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва Интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун "ЖАМИЯТ ВА МЕН" танловини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назаротини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

Танлов йўналишлари:

– Ижтимоий мавзуда ёритилган энг яхши материал;

– Иқтисодий мавзуда ёритилган энг яхши материал;

– Тарихий ва маданий мавзуда ёритилган энг яхши материал;

– Сиёсий мавзуда ёритилган энг яхши материал;

– Илмий-техник мавзуда ёритилган энг яхши материал;

– Спорт мавзусида ёритилган энг яхши материал;

– Ижтимоий шериклик мавзусида ёритилган энг яхши материал;

– Жамоатчилик назорати мавзусида ёритилган энг яхши материал.

Махсус номинациялар:

– "Ўз даврининг қаҳрамони" мавзусида энг яхши мақола;

– "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида ёзилган энг яхши мақола.

Танловни ўтказиш шартлари ва тартиби:

Танловга номзодлик учун тақдим этиладиган материаллар 2016 йил 1 январдан 10 ноябргача босма нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Улар юксак касбий даража билан ажралиб туриши ва қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

– тақдим этилган мавзуга мувофиқлик;

– мавзуни ёритишда асослилик ва ўзига хослик;

– материалнинг маънодорлиги ва тушунарлилиги;

– аниқ ва ишончли маълумот.

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чоп этилган вақтдан бошлаб 10 ноябрга қадар Тошкент шаҳар – 100129, А.Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича қабул қилинади. Мурожаат учун: (371) 244-14-28.

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари махсус диплом ва ноутбук билан тақдирланади.

Танловга юборилган материаллар қайтарилмайди, улар учун тақриз ёзилмайди ва ҳақ тўланмайди.

Ташкилий қўмита

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА" мавзуидаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида ўтказилади.

Танлов шартлари:

Танловга 2016 йилнинг 1 январидан 2016 йилнинг 10 ноябригача республика босма оммавий ахборот воситалари ва Интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, Интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки Интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхаси бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Танлов ғолибларига мукофотлар:

Ғолиблар диплом ва компьютер жамланмаси, телевизор, планшет ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар "Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида" мавзуидаги ижодий танловга" деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2016 йил 10 ноябрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри – 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 2-қават, 45-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail:fonduz@umail.uz .

Ташкилий қўмита

Бизнинг шарҳ

Вақт синовидан ўтган ташкилот

Яна саноқли кунлардан сўнг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топганига 71 йил тўлади. Жорий йил ташкилот тарихида унга янги раҳбар сайлангани билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, 2007 йилдан буён БМТга Пан Ги Мун раҳбарлик қилиб келмоқда. Унинг ваколат муддати шу йилнинг 31 декабрида якунига етади. Шу муносабат билан 6 октябрь куни Хавфсизлик кенгаши аъзолари иштирокида ўтказилган расмий овоз бериш натижаларига кўра, Португалиянинг собиқ Бош вазири Антониу Гутерреш БМТ Бош котиби лавозимига сайланди. Беш доимий ва ўн муваққат аъзодан иборат Хавфсизлик кенгашининг 13 аъзоси мазкур номзодни қўллаб-қувватлади. Фақат икки аъзо бунга қарши овоз берди. Эътиборлиси, Хавфсизлик кенгашининг вето қўллаш ҳуқуқига эга доимий беш аъзосининг барчаси мазкур номзодни маъқуллади. Янги сайланган Бош котиб 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб ўз вазифасини бажаришга киришади.

Ташкилот тарихига бир назар

Сайёрамизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, мамлакатлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш, қашшоқлик ва касалликларга қарши курашиш, саводсизликка барҳам бериш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятининг асосий мезонларидан саналади. БМТ тузилгунига қадар Миллатлар Лигаси деб аталган халқаро ташкилот фаолият юритган. У 1919 йилда, Биринчи жаҳон урушидан сўнг тузилган эди. Бироқ мазкур ташкилот барча давлатни қамраб ололмаган. Ташкилот фаолият юритган 1920-1946 йиллар оралиғида унга 63 давлат аъзо бўлган. Баъзи давлатлар эса унга аъзо бўлиб, бироз муддатдан сўнг уни тарк эта бошлайди. Миллатлар Лигаси ўз вазифа ва мажбуриятларини тўлиқ адо этолмаганлиги боис 1946 йил 18 апрелда расман тугатилди ва ўз ўрнини бошқа бир халқаро ташкилот — БМТга бўшатиб берди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тузиш ғояси Иккинчи жаҳон уруши даврида юзага келди. Урушни тўхтатишга эришган ғолиб давлатлар дунёда тинчликни таъминлайдиган, келгусида урушнинг олдини оладиган куч ва воситага эҳтиёж сезадилар. Ўшанда улар дунё давлатлари халқаро ташкилотга бирлашиб, бир ёқадан бош чиқарса, бундай мақсадларга эришиш мумкинлигини англаб етади. 1943 йилда СССР, АҚШ, Англия ва Хитой ташқи ишлар вазирларининг Москвадаги кенгашида БМТни ташкил этиш ҳақидаги қарор, 1945 йилда Сан-Франциско конференциясида унинг Устави қабул килинди. Шу тариқа 1945 йилнинг 24 октябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига асос солинади. БМТ Уставига дастлаб 51 давлат имзо чеккан бўлса, айни кунга келиб аъзо давлатлар сони 193 тага етди.

БМТнинг доимий иш ўрни (штаб квартираси) Нью-Йорк шаҳрида, қўшимча идоралари Вена (Австрия), Женева (Швецария) ҳамда Найроби (Кения)да жойлашган. Нью-Йоркдаги ташкилот бош биноси қурилиши ўзига хос тарихга эга. 1946 йил Лондон шаҳрида ўтказилган ташкилотнинг илк мажлисида БМТнинг марказий идораси Нью-Йорк шаҳрида қурилиши юзасидан қарор қабул қилинади. Бироқ унга Нью-Йорк ягона даъвогар эмас, балки Филадельфия, Бостон ҳамда Сан-Франциско ҳам номзод шаҳарлар қаторига киритилган эди. Сўнгги лаҳзаларда америкалик миллионер Жон Дэвисон Рокфеллер ташкилот биноси бунёд этилиши учун 8,5 миллион доллар хайрия маблағи ажратишини маълум қилади. БМТ бош биноси шу тариқа Нью-Йорк шаҳрида қурилади. Шаҳар маъмурияти ташкилот биноси учун ер ажратади. 1949 йилнинг 24 октябрида БМТнинг ўша пайтдаги Бош котиби Трюгве Ли 39 қаватли бинонинг илк тамал тошини қўяди. 1951 йилнинг 10 январида бинонинг очилиш маросими ўтказилади.

БМТ органлари ва ташкилотлари

БМТ Бош Ассамблея, Хавфсизлик кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС), Васийлик кенгаши, БМТ ҳузуридаги Халқаро суд ва БМТ Котибияти каби асосий органлардан иборат. Халқаро суддан ташқари барча орган ўз йиғилишини Нью-Йорк шаҳрида ўтказади. Боиси, Халқаро суд Нидерландиянинг Гаага шаҳрида жойлашган.

Бош котибни Хавфсизлик кенгаши тавсиясига кўра, Бош Ассамблея беш йил муддатга сайлайди. Бош котиб ҳар йили БМТ фаолияти ҳақида Бош Ассамблеяга ҳисобот беради, котибият ходимларини тайинлайди. БМТ ва унинг органлари барқарор ишлашини таъминлайди, Бош Ассамблея ва БМТ бошқа органлари қарорлари амалда бажарилишига кўмаклашади. Котибият Сиёсий масалалар ва Хавфсизлик кенгаши ишлари, Иқтисодий ва ижтимоий масалалар, Васийлик ва ўз-ўзини бошқармайдиган ҳудудлар департаментлари, Назорат, Ходимлар, Ижтимоий ахборот, Конференцияларга хизмат қилиш, Умумий хизмат бошқармалари, Бош котибнинг маъмурий идораси, БМТнинг Женева бўлимидан иборат.

БМТ сессияси бир йилда бир марта чақирилади. Хавфсизлик кенгашининг ёки ташкилот аъзолари кўпчилигининг талаби билан ҳар қандай масала юзасидан махсус сессиялар чақирилиши мумкин. БМТнинг расмий тиллари, яъни инглиз, француз, рус, араб, испан ва хитой тиллари дунёда энг кенг тарқалган тиллардир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таркибига бир қанча ташкилот, дастур, жамғарма ва махсус тузилмалар киради. Уларнинг ҳар бири аъзолар таркиби, бошқарув ва бюджетига эга. Улар орасида Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ, БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти — ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги, Халқаро меҳнат каби нуфузли ташкилотлари бор.

БМТ Уставида қайд этилганидек, у халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, халқларнинг тенг ҳуқуқли, ўз тақдирини ўзи белгилаши қоидасига амал қилади, миллатлар ўртасида дўстлик муносабатларини ривожлантиришни, иқтисодий, ижтимоий, маданий муаммоларни ҳал этишда халқлар ўртасида ҳамкорлик бўлишини таъминлайди, умумий мақсадларга эришишда миллатлар ҳаракатини уйғунлаштириб турадиган марказ ҳисобланади. БМТ ўз аъзоларининг суверен тенглигига асосланади. БМТ давлатларнинг ички ишларига аралашмайди. Унинг Уставида қайд этилган барча мажбуриятларни зиммасига оладиган давлатлар БМТга аъзо бўла олади. Янги аъзолар БМТ Хавфсизлик кенгаши тавсиясига мувофиқ, БМТ Бош Ассамблеяси қарори билан қабул қилинади. БМТ аъзолари халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори. Устав қоидаларини доимо бузиб турадиган давлат Хавфсизлик кенгашининг тавсиясига мувофиқ, Бош Ассамблея карори билан БМТ аъзолигидан чиқарилади.



Хавфсизлик кенгаши

Хавфсизлик кенгаши — БМТнинг асосий доимий ишловчи сиёсий органи. БМТ Уставининг 24-моддасига биноан халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туриш учун асосий жавобгарлик БМТ Хавфсизлик кенгаши зиммасига юклатилган. БМТ Хавфсизлик кенгаши фаолият доираси ташкилот Уставида аниқ кўрсатилган ва давлатлар ўртасидаги низоларни тинч йўл билан ҳал этиш соҳасида кенг ваколатларга эга. У халқаро тўқнашувлар, низоларни келтириб чиқариши эҳтимоли бўлган ҳар қандай низо ёки ҳолатни текшириш ваколатига, тинчликка ҳар қандай таҳдид ва уни бузиш ёки агрессия ҳолатларини аниқлаш, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаб қолиш ҳамда тиклаш юзасидан тегишли тадбирларни белгилаш ёки тавсиялар бериш ҳуқуқига эга. Хавфсизлик кенгаши 5 доимий ва 10 муваққат аъзо давлатлардан иборат. БМТ Устави 23-моддасига кўра, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой ва Россия БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари саналади. Ўн иштирокчи давлатдан иборат муваққат аъзолар эса Бош Ассамблея томонидан икки йил муддатга сайланади, унинг ҳар бир сессиясида 5 муваққат аъзо қайта сайланиши шарт. Муваққат аъзолар ўрни қуйидагича тақсимланади: Осиё ва Африка давлатларидан — 5, Шарқий Европа давлатларидан — 1, Лотин Америкаси давлатларидан — 2, Гарбий Европа ва бошқа давлатлар (Канада, Австралия, Янги Зеландия)дан — 2 аъзо.

БМТ Хавфсизлик кенгашига аъзо ҳар бир давлат унда бир вакилга эга бўлади. БМТ Хавфсизлик кенгаши узлуксиз ишлайди, унинг мажлислари орасидаги танаффуслар икки ҳафтадан ошмаслиги шарт. Мазкур мажлисларда давлатлар вакили инглиз тилидаги расмий номи бўйича алифбо тартибида бир ой мобайнида навбатма-навбат раислик қилади. БМТ Хавфсизлик кенгаши мажлислари очиқ-ошкора тарзда ташкил этилади. Муайян сабабларга кўра ёпиқ мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин.

БМТ ва Ўзбекистон ҳамкорлиги

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг қисқа вақт ўтиб — 1992 йил 2 март куни БМТга аъзо бўлди. Бу билан мамлакатимиз халқаро муносабатларда сиёсатининг очиқлигини, холислигини, барча давлатлар билан ҳамкорлик тарафдори эканини эълон қилди. Ватанимиз тарихига муҳим воқеа сифатида муҳрланган ўша кундан эътиборан БМТ қароргоҳида Ўзбекистон байроғи ҳам ҳилпирай бошлади. 1993 йил 24 август куни Тошкент шаҳрида БМТ ваколатхонаси очилди.

Бугун мамлакатимиз БМТнинг қатор таркибий тузилмалари — Тараққиёт дастури, Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (ЮНФПА), Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси (ЮНОДС), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури (ЮНЕЙДС), Гендер тенглиги, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш масалалари тузилмаси, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан алоқалари изчил ривожланиб бораётгани, ушбу ташкилотнинг қатор тузилмалари билан яқин ҳамкорлик мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон ўз овози ва мавқеига эга бўлган аъзо давлат сифатида БМТ олдига муҳим ва долзарб масалаларни қўйяпти. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1993 йилнинг сентябрида БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясида, 1995 йил октябрида БМТ ташкил этилганининг 50 йиллигига бағишланган сессияда, 2000 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг "Мингйиллик саммити"да сўзлаган нутқлари дунё жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида ушбу нуфузли ташкилотнинг фаолияти тўғрисида: "БМТ — барча давлатларнинг, минтақаларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилотдир", деб таъкидлаган эди.

2010 йилнинг апрель ойида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф чоғида БМТ Бош котиби Оролбўйида бўлиб, экологик вазият билан бевосита танишди. Бу Орол муаммосига жаҳон ҳамжамияти эътиборини янада кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этадиган воқеа бўлди. Пан Ги Муннинг ташрифи асносида БМТ ва ШҲТ Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзоланди. Ушбу ҳужжат Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда мазкур икки ташкилотнинг иштирокини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг ўтган йили 11-12 июнь кунлари мамлакатимизга амалга оширган расмий ташрифи Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги самарали мулоқотни давом эттириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари, шунингдек, ядро қуроли тарқалишига қарши курашиш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, экология муаммоларини ҳал этиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро терроризм ва наркотрафик хавфига қарши курашиш ҳамда бошқа йўналишлар бўйича фикр алмашиш учун яхши имконият бўлди.

Ўзбекистон раҳбарининг 2010 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқида глобал миқёсдаги долзарб масалалар юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар билдирилди. Жумладан, Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари, Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишга оид амалий таклифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди ва қўллаб-қувватланди. Буларнинг барчаси Ватанимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги обрўси ва нуфузи тобора юксалиб бораётганидан далолатдир.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги муносабатлар кўплаб йўналишларда ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизнинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлик доирасида жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш борасида илгари сурган таклиф ва ташаббуслари дунё ҳамжамиятида глобал масалаларга эътиборнинг кучайишига, Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Рангин дунё

Денгизни англаган инсон

ёхуд Кусто жамоасининг фаолияти хусусида

"Денгиз ва океанлар — инсониятнинг ягона умиди. Бу фикр вақт ўтгани сайин ўз тасдиғини топмоқда. Барчамиз — бир кемадамиз", деган эди машҳур француз океанологи Жак-Ив Кусто. Олим бу билан жамоатчиликни денгиз ва океанларни муҳофаза қилиш, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишга даъват қилган эди. Умрининг 60 йилини денгиз ва океанларни тадқиқ этишга бағишлаган Жак-Ив Кустонинг фаолияти кўпчилик учун чинакам ибрат ва жасорат намунасидир. У нафақат денгиз ва океанларни ўрганган олим сифатида, балки фотограф, кинорежиссёр, ихтирочи, носир сифатида ҳам ўзидан улкан мерос қолдирди.

Жак-Ив Кусто 1910 йил 10 июнь куни Франциянинг Сент-Андре-де-Кюбзак шаҳарчасида адвокат оиласида дунёга келди. У болалигидаёқ сузишни ўрганди, денгизга ўзгача меҳр қўйди. Бироқ етти ёшида сурункали энтерит касаллигига йўлиқади. Шифокор унга ортиқча жисмоний меҳнат билан шуғулланишни ман этади. Касаллик туфайли Кусто жуда озиб кетади. Ва унинг асорати уни умрининг охиригача таъқиб этади. 20 ёшида денгиз мактабини тамомлаган Жак-Ив ҳарбий денгиз академиясига ўқишга киради. Маълум муддат коинотга қизиқади, денгиз авиациясида фаолият юритишни ҳам орзу қилади. Бироқ кутилмаганда автоҳалокатга учраб, қовурғаси ва бармоқлари жиддий жароҳатланади. Жак-Ив соғлиғини тиклаш мақсадида мунтазам сузиш билан шуғулланади. Шу даврда сув остида тақиладиган кўзойнакни ихтиро қилади.

Кусто 1937 йилда Симона Мельхиорга уйланади, ундан Жан-Мишель ва Филипп исмли фарзандлар кўради. Кейинчалик улар ҳам отаси сингари тадқиқотчи-олим бўлиб етишди, Кустога елкадош бўлиб, унинг экспедициясида фаол иштирок этди.

1953 йилда Кусто Фредерик Дюма билан ҳаммуаллифликда "Жимжитлик дунёсида" номли илк китобини чоп эттиради. Ушбу китобда ёзилишича, 1938 йилдан бошлаб Кусто Фредерик Дюма билан махсус кўзойнак, найча ҳамда икки оёқ учига кийиладиган мослама воситасида сув остини тадқиқ этишни бошлаган. У, шунингдек, сув ўтказмайдиган камералар, ёритиш ускуналари ҳамда илк сув ости телевизион воситаларини ҳам ихтиро қилди. 1943 йилда Эмиль Ганьян билан ҳамкорликда ясаган аквалангни сув остида синаб кўради. У бир неча ўн метр сув тубига шўнғиб, узоқ муддат тадқиқот олиб бориш ҳамда сув ости дунёси ҳақидаги инсоният тасаввурларини кенгайишида муҳим аҳамият касб этди. 1946 йилдан улар ясаган аквалангни кенг миқёсда ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Ўтган асрнинг 40-йилларида Кусто "Бирлашган акулалар" кинокомпаниясига асос солади. Мазкур компания "8 метр сув остида" фильмини яратади. Аслида Кустода кино яратишга қизиқиш болалигидаёқ пайдо бўлган. У 13 ёшидан оиласи билан боғлиқ муҳим воқеаларни тасвирга олар, кино декорацияси ва сюжетини ўзи ўйлаб топарди. Кустонинг бу қизиқиши кейинчалик унинг профессионал фаолиятида асқотади.

Жак-Ив Кусто жамоасини "Калипсо" деб номланган кемадан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. 1950 йилда кемани ирландиялик миллионер Томас Лоэл Гиннесс Кусто учун харид қилди. Тадқиқотчи эса уни арзимас ҳақ эвазига ижарага олади. Кусто кемани денгиз ва океанларда уюштириладиган экспедиция ва тадқиқотлар учун ҳар томонлама мослаштиради: вертолёт учун палубада жой ҳозирлайди. Кема тўлиқ автоном ҳолатда 5 минг миль (9,2 минг километр) масофани боса олади. "Калипсо" жамоаси 12 кишидан иборат бўлган. Бу жамоа ушбу кемада деярли барча океанларни сузиб ўтди, ҳатто Амазонка дарёси ва Антарктидага қадар етиб борди. Сузиб борилган ҳар бир минтақанинг сув ости дунёси обдон ўрганилди, экологик вазият таҳлил қилинди. Бунда сув қайиғи — батискафдан ҳам фойдаланилади. Денгиз ва океаннинг тубига тушиб, унинг ичида узоқ муддат сув ости дунёсини тадқиқ этиш мумкин эди. Бироқ 1996 йилда "Калипсо" Сингапурда юк кемаси билан тўқнашиб, сувга ғарқ бўлади. Икки ҳафтадан сўнг кема сув остидан олиб чиқилади ва Кусто жамоасининг Франциядаги базасига тортиб келинади. "Калипсо" Кусто жамоаси фойдаланган ягона кема эмас. У 1985 йилда "Алсион" деб номланган қувурсифат икки елканли кемани ҳам экспедицияга сафарбар этади.

1956 йилда Кусто жамоасининг сув ости дунёсига бағишланган "Жимжитлик дунёсида" ҳужжатли фильми суратга олинади. Фильмни яратиш учун 25 километр узунликдаги кинотасмадан фойдаланилган. 86 дақиқали фильм устида икки йил иш олиб борилган. Мазкур фильм кино санъатидаги энг нуфузли мукофот — "Оскар"га сазовор бўлган. Қолаверса, мазкур фильм 2004 йилга қадар Францияда ўтказиладиган Халқаро Канн фестивалининг "Олтин пальма япроғи"ни қўлга киритган дунёдаги ягона ҳужжатли фильм бўлиб қолди.



Кусто ўзининг илк китоби ва фильми билан дунёда шуҳрат қозонди. Агар илк ҳужжатли фильмда "Калипсо" кемаси бош планга олиб чиқилган бўлса, иккинчи "Қуёшсиз дунё" фильмида эса, асосан, сув ости тадқиқотига кўп урғу берилади. Кусто жамоаси суратга олган иккинчи фильм ҳам 1965 йилда "Оскар" мукофотига лойиқ кўрилди. Кустонинг "Қизил балиқ тарихи" картинаси яна бир бор АҚШ киноакадемиясининг нуфузли мукофоти билан тақдирланди.

Денгиз ва океанларга ўзгача меҳр қўйган Кусто 1957 йилдан Монакодаги Океаншунослик музейига ҳам раҳбарлик қилади. 1973 йилда денгиз ва океанларни тадқиқ этиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган "Кусто жамоаси" жамғармаси ҳам тузилади. Ўтган асрнинг 80-йиллари бошларидан дунёнинг кўплаб мамлакатларининг марказий телеканалларидан Кусто жамоаси суратга олган фильмлар намойиш этила бошланди. Ушбу "Кусто жамоасининг сув ости саргузаштлари" деб номланган кўп қисмли ҳужжатли фильмлар кўпчиликнинг эътибор ва эътирофига сазовор бўлади.

Жак-Ив Кусто 1997 йилнинг 25 июнида 87 ёшида вафот этади. У илм-фанга қўшган муносиб ҳиссаси учун ўз вақтида Фахрий легион, "Денгиздаги хизматлари учун" ҳамда бошқа нуфузли унвон ва мукофотлар билан тақдирланди. 2009 йилдан буён Калифорния кўрфазидаги ороллардан бири Жак Кусто номи билан аталади. Узоқ йиллар давомида денгиз ва океанларда олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида буюк олимдан келажак авлодга бир неча тилларга таржима қилинган китоблар, ўнлаб ҳужжатли фильмлар мерос бўлиб қолди.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Йирик нефрит бўлаги топилди

Мьянмада кончилар оғирлиги 175 тонна келадиган улкан нефрит бўлагини топишди, дейилади "gazeta.ru"сайтида.

Катталиги бўйича иккинчи ўринда турадиган бу соф ҳолдаги нефритнинг баҳоси — 140 миллион фунт.

Хабарларга кўра, шахтёрлар Качин штатида қидирув ишлари олиб бораётганида қимматбаҳо тош бўлагига дуч келишган. Унинг баландлиги — 2,7, эни — 5,4 метр, оғирлиги — 175 тонна.

Дунёдаги энг йирик нефрит бўлаги Хитойдаги Нефрит буддалари ибодатхонасида сақланади. Унинг оғирлиги — 260 тонна.

Мьянма дунёдаги нефрит етказиб берувчи етакчи мамлакатлардан саналади. Нашр маълумотига кўра, нефрит қазиб олишдан кўриладиган даромад мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийб ярмини ташкил этади.

14 минг ёшли қоятош расмлари

Испаниянинг Бискай провинциясида жойлашган ғорлардан бирида 50 га яқин қоятош расмлари топилди, деб хабар тарқатган РАТА-ТАСС.

Хабарда айтилишича, 14 минг ёшли расмлар Арминче ғорининг 50 метр ичкарисида битилган. Расмларда от, зубр, эчки, шер ва бошқа жониворларнинг тасвири акс этган. Экспертларнинг айтишича, бу шу пайтгача Пиреней ярим оролидан топилган энг бетакрор ва муқобили йўқ қоятош расмлардир.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади

MILLIY TIKLANISH
44(416) 2016 йил 19 октябрь, чоршанба

Реклама ўрнида

“Микрокредитбанк”: кафолатли хизмат, ишончли ҳамкорлик

Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларини ишончли муҳофаза қилиш ҳамда уларни жадал ривожлантириш борасида олиб борилаётган изчил чора-тадбирлар халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётир. Бу жараёнда “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки ҳам тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аҳоли, айниқса, навқирон авлод вакилларининг илғор ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш, истиқболли лойиҳаларини молиявий рағбатлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда.

Бугун мазкур молия муассасасининг 85 филиали ва 110 минибанки 344 мингдан зиёд мижозларига самарали хизмат кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда бозор ставкалари бўйича турли депозитлар жорий этилди, пластик карталар орқали ҳисоб-китоб тизими ривожланмоқда. Банк фаолиятига қатор хорижий молия ташкилотлари, жумладан, “Fitch Ratings” компанияси ижобий баҳо бериб келмоқда. Мазкур рейтинг компанияси банкнинг 2015 йилдаги фаолияти бўйича “B” “Барқарор” рейтингини тақдим этди ва бу рейтинг 2016 йилда ҳам қайта тасдиқланди.

“Микрокредитбанк” АТБ жорий йилда ҳам кичик бизнес субъектларини фаол қўллаб-қувватлаб, 1 октябрь ҳолатига кўра, 891,5 миллиард сўм миқдорида кредит ажратди. Кўрсатилган микромолиявий хизматлар миқдори эса 337,7 миллиард сўмдан ортиб кетди. Бу, ўз навбатида, юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, аҳолининг кам таъминланган қисмига кўмак бериш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллик даражасини ошириш, пировардида, янги иш ўринлари ташкил этишга хизмат қилмоқда.

2013 йил 29 мартдаги “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банкининг капиталлашув даражасини ошириш тўғрисида”ги қарор ижроси юзасидан оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида 2016 йил давомида 2607 оилавий тадбиркорлик субъектига 62,5 миллион сўм миқдорида бошланғич кредитлар ажратилди. Уларнинг асосий қисми қишлоқ жойларига йўналтирилди. Имтиёзли кредитлар ажратиш орқали аёллар ва ёшлар, шунингдек, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб этишни ташкилий ва молиявий қўллаб-қувватлаш борасида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Молия муассасасининг ҳудудий филиаллари томонидан мавжуд корхона ва ташкилотларга кредит ажратиш натижасида ўттиз мингга яқин янги иш ўрни яратилди. Банк, шунингдек, ёш тадбиркорларни излаб топиш, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш мақсадида касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорликка фаол жалб этиш ва ўз бизнес-лойиҳасини амалга ошириши учун микромолиявий хизматлар кўламини янада кенгайтирмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида банк бу йўналишга 54,7 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли микрокредитлар ажратди. Кўплаб ёш тадбиркорлар ўз бизнесини йўлга қўйди.

“Микрокредитбанк” ўз сармоялари билан давлат дастурлари ижросида ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, “Республика ҳудудларини 2013-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури”га асосан 2016 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида 29,5 минг янги иш ўрни яратилди.

Қишлоқда сервис хизматларини ташкил этиш мақсадида жорий йилнинг 9 ойи давомида 118 миллиард 808 миллион сўм, жумладан, савдо ва умумий овқатланишга 1,33 миллиард, транспорт хизматларига 1,37 миллиард, алоқа хизматларига 1,33 миллиард, маиший хизматларга 1,36 миллиард ҳамда автомобиль ва бошқа техникаларга хизмат кўрсатиш учун 1,32 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Эътиборлиси, кейинги беш йилда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми кўпайгани, ўз навбатида, ягона солиқ тўлови тушумларининг ўсишига олиб келди. Солиқ юкининг муттасил камайтирилиши, хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган банк кредитлари кўпайтирилиши кичик бизнеснинг жадал ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди, иқтисодиётнинг кўпгина соҳа ва тармоқлари равнақ топишида муҳим ўрин тутди.

— Фаолиятимизни янада кенгайтириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини сифат жиҳатдан яхшилаш, замонавий тиббий ускуналар харид қилиш учун 50 миллион сўм кредит олдик, — дейди Сирдарё туманидан “Мирзо қуддус” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ғофир Қуддусов. — Айни кунда корхонамизда 12 нафар ёш мутахассис меҳнат қилмоқда. Олинган кредитдан самарали фойдаланаётганимиз боис қарзимизни ҳеч бир қийинчиликсиз, муддатидан олдин қайтардик. Фаолиятимизни янада кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтиришда банкнинг молиявий кўмаги катта бўлмоқда. Доимий ҳамкоримиз — “Микрокредитбанк” билан бундан буён ҳам алоқамизни янада мустаҳкамлаймиз.

Аёлларнинг тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариш, ўз бизнесини бошлаши, истиқболли бизнес-режа тузишига кўмаклашиш, уларни ҳунармандчиликка кенг жалб этиш, тикувчилик цехлари фаолиятини йўлга қўйиш, қишлоқ жойларда сервис хизматини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисига қулайлик ва замонавий ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш имкониятини яратиш банкнинг доимий диққат-эътиборида. Банк бу йўналишда 97,560 миллиард сўм миқдорида кредит маблағи ажратди. Аёллар раҳбарлик қилаётган хўжалик субъектларига эса 816 миллион сўм миқдорида кредитлар берилди.

— Бундан беш йил муқаддам аҳолини сифатли ва арзон текстиль маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида хусусий корхонамизни ташкил этдик, — дейди “Тўмарис Истиқбол текстиль” хусусий корхонаси раҳбари Дилфуза Тўхтасинова. — Лекин ушбу соҳада муайян тажрибамиз бўлгани билан сармоямиз етарли эмас эди. Замонавий ускуналар олиш мақсадида “Микрокредитбанк”нинг Узун туман филиалига мурожаат қилдик. Банк ходимлари бизнес-режамизни қисқа муддат ичида кўриб чиқиб, 75 миллион сўм кредит ажратди. Унга хорижда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар харид қилиб, катталар ва болалар учун кийим-кечак тайёрлашни йўлга қўйдик. Бунинг натижасида маҳсулотларимиз тури, кўлами ва сифати янада ошди, 8 нафар коллеж битирувчисини ишга олдик. Айни кунда корхонамизда йигирмага яқин ёш мутахассис меҳнат қиляпти.

Дарҳақиқат, изланиш, ташаббус ва самарали меҳнат бор жойда изчил ривожланиш, барқарор ўсиш кузатилади. Бу, шунингдек, барча соҳада, айниқса, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уни янада кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, аниқ чора-тадбирларнинг амалий ифодасида яққол кўриниб турибди.

— Корхонамизда асосан замонавий мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, — дейди Жалақудуқ туманидаги “Ровер фезезер” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳамидулло Аҳмадалиев. — Сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришимизда “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг молиявий кўмаги катта бўлмоқда. Чунки фаолиятимизни ривожлантириш учун етарли тажрибага эга бўлсак-да, бизнес лойиҳаларимизни сармоясиз амалга ошириб бўлмасди. Шу боис замонавий ускуналар харид қилиш мақсадида молия муассасасига мурожаат этдик. Банк ходимларига лойиҳамиз маъқул тушди. Тез орада маблағ ажратилди. Ажратилган 99 миллион сўм эвазига хориждан замонавий жиҳозлар харид қилдик. Пировардида модернизациялаш тадбирларини муваффақиятли якунлаб, ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баробарга кўпайтирдик. Ҳозир жаҳон талабига мос юқори сифатли мебель маҳсулотлари тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб беряпмиз. Бинобарин, банк кредитлари ҳисобига 10 га яқин янги иш ўрни яратиб, асосан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминладик.

— Юртимизда кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун кенг имконият яратилмоқда, — дейди Беруний туманидаги “Аму Гулшан” МЧЖ раҳбари Қувондиқ Қурбонов. — Ҳозирда тадбиркорлар учун соғлом рақобат майдони шаклланган. Шу боис ҳар бир ишбилармон буни чуқур ҳис қилган ҳолда, бозорни обдон ўрганиб, ишни пухта режа асосида ташкил этмоқда.

Масалан, бизнинг корхонамиз аҳолига беш турдаги қурилиш маҳсулотларини етказиб бериш имконига эга. Маҳсулотларимиз сифати ва бозорбоп нархларда сотилганлиги харидорлар сафини кундан-кун кенгайтирди. Бунинг натижасида тадбиркорлик фаолиятимизни янада кенгайтириш нияти туғилди. Бунда биз “Микрокредитбанк”нинг молиявий кўмагига таяндик. Имтиёзли кредит эвазига замонавий ускуналар харид қилиб, қурилиш маҳсулотлари турини кўпайтирдик. “Микрокредитбанк” билан келгусида ҳам доимий ҳамкорлик қиламиз.

— Мустақиллигимиздан илгари биз истеъмол қиладиган озиқ-овқат, айниқса, қандолат маҳсулотлари асосан четдан келтирилар, сифати унчалик яхши эмас эди, — дейди Сурхондарё вилоятидаги “Сурхон Лидер МАН” МЧЖ раҳбари Бахтиёр Расулов. — Чунки ўзимизда бундай маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган технологиялар деярли йўқ эди.

Аҳолини сифатли, арзон нон, макарон ва ширинлик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 2011 йилда “Сурхон Лидер МАН” МЧЖни ташкил этдик. Бир неча йилдан буён “Микрокредитбанк”нинг Шеробод филиали мижозимиз. 2015 йилда банкдан олинган 300 миллион сўм кредит эвазига хорижда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарни олиб келиб ўрнатдик. Энди маҳсулотларимиз тури, кўлами ва сифати янада ошди. Шу билан бирга, 21 янги иш ўрни яратилди. Айни кунда корхонамизда 26 нафар ёш мутахассис меҳнат қилмоқда. Аҳоли дастурхонига ўн турдан ортиқ нон ва нон маҳсулотлари, ширинликларни етказиб берамиз. Уларни ўзимизнинг коллежларни битирган йигит-қизлар тайёрламоқда. Маҳсулотларимизни имкон қадар арзонлаштирилган нархларда сотишни ҳам йўлга қўйганмиз. Бу шубҳасиз рақобатга, ишлаб чиқариш сифатининг янада ошишига олиб келади. Бундан ҳам мижоз, ҳам ишлаб чиқарувчи манфаатдор.

Истиқболга белгилаган режаларимиз талай. Жумладан, маҳсулотлар турини кўпайтириш, янги иш ўринларини яратишни мўлжаллаяпмиз. Келгусида “Микрокредитбанк” билан ҳамкорликни давом эттирамиз.

Мухтасар айтганда, банкнинг молиявий ёрдами эвазига ўз фаолиятини ривожлантираётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва сифатининг ошишига, халқимиз турмуш даражаси юксалишига хизмат қилмоқда.

Эркин ДОРИПОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Беҳи — парҳезбоп мева

Беҳи парҳез тутувчи инсон учун жуда фойдали. Унинг таркибида холестерин ва ёғ моддаси умуман мавжуд эмас. Витамин, макро ва микроэлементларга бой. Калий натрийга нисбатан ўн баробар кўп, олма ва лимон кислотаси ҳам етарли миқдорда.

Беҳи таркибидаги антиоксидант моддалар саратон хасталигига чалинишнинг олдини олади. У, шунингдек, тушкунликка қарши ва табиий тинчлантирувчи восита ҳам саналади. Вирусларни тез енгувчи хусусиятларга эга бўлиб, гриппда самарали натижа беради. Япон олимларининг таъкидлашича, беҳини меъда яраси касаллигини даволашда ҳам қўллаш мумкин. Уни кўп истеъмол қилган инсонда кўз ва жигар хасталикларига чалиниш ҳолати деярли кузатилмайди.

Беҳини кўпчилик олма ва нокнинг “яқин қариндоши” деб ҳисоблайди. Лекин беҳи уларга нисбатан қаттиқ ва тахир. Шу боис уни ҳазм қилиш нисбатан қийин кечади.

Қадимдан ичак фаолиятини яхшилаш ва даволаш мақсадида беҳи мураббоси ва дамламасидан фойдаланилган. У тахикардия (юракнинг тез уриши), ич кетиши ва гепатит (сариқ)га қарши яхши самара беради, камқонликда истеъмол қилинади. Дамлама тайёрлаш учун ўн грамм қуритилган мева 100 миллилитр қайноқ сувга аралаштирилади ва овқатланишдан олдин бир ош қошиқ миқдорида ичилади.

Беҳи таркибида кўп миқдорда пектин моддаси ҳам мавжуд. У организмнинг туз ва радионуклиддан халос бўлишини осонлаштиради. Пектин моддасининг кўплиги сабабли беҳидан мураббо ва мармелад тайёрлаш учун хомашё ўрнида ҳам фойдаланилади.

Беҳи меваси уруғи ҳам жуда фойдали. Унинг уруғи сув билан аралаштирилганда ҳосил бўладиган аралашмани балғам кўчиришда, йўталга қарши восита сифатида, бронхит, грипп, ўткир респиратор вирусли инфекцияларда қўллаш мумкин. Стоматологияда эса гингвит, глоссит ва пародонтозда фойдаланилади. Бронхиал астма (диққинафас) хуружи вақтида беҳи баргидан тайёрланган тиндирма ёрдам беради. Унинг учун беш дона беҳи барги 200 миллилитр қайнаган сувга солинади. Беҳи баргидан тайёрланган чой пешоб ҳайдовчи восита сифатида самарали натижа беради. Чой тайёрлаш учун бир ош қошиқ миқдордаги қуруқ беҳи барги ва уруғи 200 миллилитр сувга солинади ва паст оловда 5-6 дақиқа қайнатилади. Совутилган чой сузгичдан ўтказилади. Мазали бўлиши учун оз миқдорда асал қўшса ҳам бўлади. Кун давомида бир ош қошиқдан 3-4 марта истеъмол қилинади.

Янги узилган беҳининг мазаси тахир ва қаттиқ бўлганлиги учун истеъмол қилиш қийин. У агар яхши сақланиб, эрта баҳорда ейилса жуда фойдали. Чунки меваси анча юмшайди, иккинчидан ҳиди янада хушбўйлашиб иштаҳани очади.

БИЛАСИЗМИ?

- Қизилиштон (қуш) — дарахт бўйлаб тепага ҳаракатлана олади.
- Пингвинлар шимолий ярим шарда мутлақо учрамайди.

ТУРФА ОЛАМ

ДУНЁДАГИ ЭНГ УЗУН ЭСКАЛАТОР

Хитой энг улкан ва баланд иншоотлар қуриш борасидаги рекордларни қайд этишда ҳамон давом этмоқда. Дунёдаги энг йирик радиотелескоп, гидросамолёт, энг баланд кўприк шулар жумласидандир.

Яқинда улар қаторига Хубэй вилоятидаги Эньши дарасида қурилган дунёдаги энг узун эскалатор ҳам қўшилди. Узунлиги 688 метр бўлган эскалатор шу йилнинг октябрь ойидан бошлаб, сайёҳлар учун хизмат кўрсата бошлади. У бир соат ичида 7 минг 300 йўловчига хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Эскалатор ўзига хос шаклга эга: грек алифбосидаги “сигма” (∑) ҳарфини эслатади. У хавфсиз материаллардан қурилган, усти черепица билан ёпилган.

Эскалатордан бир марта фойдаланиш нархи — 20 юан (3 доллар).

КЕЛАЖАК КРОССОВКАСИ

АҚШнинг “Nike” компанияси “Келажакка қайтиш” фильмидаги бош қаҳрамоннинг пойабзалидан андоза олиб, боғичлари ўзи боғланадиган “Nike Air MAG” кроссовкаларини ишлаб чиқарди.

Янги кроссовкалар ҳозирча атиги 89 жуфт. Бу оёқ кийимларининг чиптасини 10 доллар турадиган Интернет-лотерея орқали сотиб олиш мумкин. У 10 минг долларга баҳоланмоқда. Пойабзал таг қисми чироқлар, боғичларни ўзи боғлайдиган механизм билан таъминланган. Ҳафтада бир марта қувватланса, кифоя.

Лотерея ғолиблари шу кунларда эълон қилинади. Шунингдек, кроссовкаларнинг бир қисми 11 октябрда Гонконг, 14 ва 17 октябрда Лондон ва 12 ноябрда Нью-Йоркда аукционлар орқали сотилиши мўлжалланган.

“Nike” компанияси лотерея ва аукционларни “Келажакка қайтиш” фильмида бош қаҳрамон ролини ижро этган актёр Майкл Жей Фокс асос солган хайрия жамғармаси билан бирга ўтказмоқда. Жамғарма маблағлари актёр азият чекаётган Паркинсон хасталигига чалинган беморлар учун сарфланади.

Ш.ҒАФФОРОВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1025, Адади — 5323. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Муҳтарама КОМИЛОВА
Навбатчи: Усмон АБДУРАСУЛОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 22.45.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345